O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
KITOB PALATASI

**БОҚИЙ ФИКРЛАР**

*Ақл ўлчови — сўз,*
*Сўз ўлчови — нақл.*

Ўзбек халқ мақоли

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 6-oktabr, chorshanba № 78 (8311) ISSN 2010-6416

# ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 5 октябрь куни Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди.**

Мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришга, ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом камол топишига хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури ҳам шу мақсадга йўналтирилган бўлиб, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Бунинг амалий натижаларини Қорақалпоғистон Республикаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Қорақалпоғистонда жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 7,7 фоиз ошди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,2 фоиз, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 5,6 фоиз, қурилиш-пудрат ишлари ҳажми 9,1 фоиз, савдо ва умумий овқатланиш 16,9 фоиз, хизмат кўрсатиш 12,4 фоиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажми 13,5 фоиз ортди.

Иқтисодиётни тубдан таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида ҳудудий корхоналар томонидан амалга оширилган экспорт миқдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12,8 фоиз ўсиши таъминланди. Қорақалпоғистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, яратилаётган ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароит ҳам ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Президентимиз Ислом Каримов Кегейли туманидаги "Давлат" фермер хўжалигида бўлиб, фермерлар, ёшлар вакиллари билан суҳбатлашди.

Юртбошимиз мураккаб экологик шароитда яшаб, меҳнат қилаётган Қорақалпоғистон халқининг иқтисодиётимизнинг барча соҳаларида, хусусан, пахтачилик ва ғаллачиликда эришаётган ютуқларига юксак баҳо берди. Давлатга пахта сотиш шартнома-мажбуриятини биринчилардан бўлиб бажарган Оролбўйи миришкорларини самимий табриклади.

Президентимиз фермерлик ҳаракатини ривожлантириш борасида тўхталар экан, таъминот масаласига яна бир бор эътибор қаратди.

— Деҳқонга зарур шароит яратиб бериш даркор. Шундагина у юксак натижаларга эриша олади, — деди Ислом Каримов. — Уруғлик, ёқилғи-мойлаш материаллари, ўғит, имтиёзли кредит муаммоларини вақтида ҳал этиш зарур. Айниқса, Қорақалпоғистон шароитида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Учрашувда Қорақалпоғистонлик фермерлар қишлоқ аҳлига кўрсатаётган улкан эътибор ва ғамхўрлиги учун Юртбошимизга самимий миннатдорлик изҳор этдилар.

— Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ютуқларимизнинг асосий омили бўлаётир, — деди Элликқалъа туманидаги "Фарҳод Қўшназаров" фермер хўжалиги раҳбари Халилла Қўшназаров. — Деҳқончилик маданияти йил сайин юксалиб бормоқда. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги ишлар ҳосилдорликни ошириш имконини бераётир.

**(Давоми 2-бетда.)**

## СЕРМАЗМУН ДАРС

### ўқувчи билимининг ортиб боришини таъминлайди





*Oktabr — ona tili va adabiyot fanlari oyligi*

Муайян бир ўқитувчининг салоҳияти ўқувчиларнинг шу фанга бўлган қизиқиши билан белгиланади. Агар у ўз ишига ижодий ёндашса, бугунги дарсини кечагисидан ҳам қизиқарлироқ ташкиллаштирса, бундай дарс ҳеч бир болани бефарқ қолдирмайди. Собир Раҳимов туманидаги 22-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Халқ таълими аълочиси Гулбаҳор Зафарова йигирма етти йилдан буён айнан шундай ёндашув билан ўқувчиларга таълим-тарбия бериб келмоқда. У узоқ йиллик тажрибасидан келиб чиқиб, дарсга масъулият билан ёндашишни одат қилган. Дарсда олинган билим "Адабиёт — кўнгил тасвири" тўгарагидаги машғулотлар ёрдамида мустаҳкамланади. 5—6-синф ўқувчилари учун ташкил этилган мазкур тўгаракда 20 нафар ўқувчининг вақти сермазмун ўтмоқда.

— Ўқитувчи мавзудан мавзуга ўсиш санъатини эгаллаши керак. Бу ўқувчиларнинг дарсда тўлиқ қатнашиши, ҳаракат қилиши ва қизиқиши билан белгиланади. Педагогнинг изланиши, ўз устида ишлаши, мавзуларни кўргазмали қуроллар, турли ўйинлар, саҳна кўринишлари орқали ташкил этиши кўзланган мақсадга етишиш учун энг мақбул воситалар саналади, — дейди Г.Зуфарова.

**Суратларда: Г.Зуфарова 6-синф ўқувчиларига "Сўз туркумлари" мавзусида дарс ўтмоқда.**

**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар**

## ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА

**ЯНГИ РЕЙТИНГ ТИЗИМИ**

**Ўқувчини ҳар бир имкониятдан самарали фойдаланишга, ўқитувчини янги изланишлар қилишга ундамоқда**

3-бет

**Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни**

7—12-бетлар

**ЧАПАҚАЙЛИК СИРИ**

14-бет

***Prezidentimiz mazkur bilim dargohida bo'lib, ta'lim jarayoni, bu yerda yaratilgan shart-sharoitlar bilan tanishdi, talabalar bilan suhbatlashdi.***



# ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

**(Давоми. Боши 1-бетда.)**

Кегейли туманида иқтисодий-ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш, банк тизимини такомиллаштириш, аҳолини иш билан таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Юртбошимиз сувсизликка чидамли, эртапишар пахта навлари устида чуқур илмий изланишлар олиб бориш, уларни Қорақалпоғистон шароитида районлаштириш юзасидан тавсиялар берди.

Давлатимиз раҳбари халқимизнинг турмушини янада яхшилаш, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, ҳеч кимдан кам бўлмаган фаровон ҳаётга эришиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталар экан, бу борада барча тоифадаги раҳбарлар масъулиятини янада ошириш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

— Мақсадимиз биз қураётган ҳуқуқий-демократик жамиятни, яъни адолатли давлатни янада мустаҳкамлашдан иборат, — деди Президентимиз. — Бунинг учун жамоатчилик назоратини кучайтириш лозим. Бу назоратни тўғри йўлга қўйсак, шу йил 20 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлиси минбаридан айтган мақсадларимизга албатта етамиз.

Юртбошимиз истиқлол йилларида барча соҳаларда эришилган оламшумул ютуқлар хусусида, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, миллатнинг генофондини яхшилаш, соғлом авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишлар бераётган юксак самаралар тўғрисида сўз юритди. Истиқлол йилларида одамларимизнинг ўртача умр кўриши 73 ёшга, аёлларнинг ўртача умр кўриши эса 75 ёшга етгани ана шундай самаралардандир.

Президентимиз Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқида Орол бир авлод ҳаёти давомида деярли қуриб ва йўқолиб бораётган сув ҳавзасига айланганини, қирқ йил мобайнида Орол денгизи акваторияси 7 баравар қисқариб, сув ҳажми 13 марта камайганини, унинг минераллашуви эса ўнлаб баравар ошганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Қорақалпоқ заминидаги учрашувда бу долзарб масалага яна бир бор эътиборни қаратди.

— Орол тақдири — миллион-миллион инсонлар тақдири демакдир, — деди Ислом Каримов. — Шундай экан, биз ўз тақдиримиз, фарзандларимиз келажаги учун курашмоғимиз зарур.

Учрашувда Ўзбекистон Қаҳрамони, қорақалпоғистонлик олим Ғайратдин Хўжаниёзов, Қорақалпоғистон Республикаси деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг лаборатория мудири Узоқбой Айтжонов, Нукус шаҳридаги 1-академик лицей ўқитувчиси Пошшагул Камолова ва бошқалар Оролбўйидаги экологик вазиятни яхшилаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, турмуш даражасини янада юксалтиришга қаратаётган доимий эътибори учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирдилар.

Давлатимиз раҳбари Кегейли тумани Халқобод шаҳарчасидаги гўштни қайта ишлаш корхонаси фаолияти билан танишди.

"Кегейли бўян" Ўзбекистон-Австрия қўшма корхонаси қошида ташкил этилган, аҳолига 30 хилдаги колбаса маҳсулотлари етказиб бераётган мазкур кичик корхона ишга туширилиши муносабати билан 25 киши доимий иш билан таъминланди. Корхонага хорижий инвестиция ҳисобидан замонавий дастгоҳлар ўрнатилган. Бу ерда кунига 4,5 тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Компьютерлар ёрдамида бошқарилаётган ишлаб чиқариш технологияси асосан ёшлар томонидан юритилмоқда.

Корхона маҳсулотлари нафақат ички бозорга, балки қўшни давлатларга ҳам етказиб берилаётир. Корхона таъсисчиси — "Абил-боғ" фермер хўжалигида айни кунларда бўрдоқичилик комплекси барпо этилмоқда.

Президентимиз Нукус шаҳар марказий майдонида амалга оширилган қурилиш ва ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан сўнгги йилларда Нукус шаҳрида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, шаҳар қиёфаси бутунлай янгиланмоқда. Шаҳар марказидаги майдонда барпо этилган яшил майдон ва унга кўрк бағишлаб турган олти фаввора Нукус қиёфасига ўзгача тароват бағишлади. Майдон ўртасида атоқли қорақалпоқ шоири Бердақ ҳайкали қад ростлагани қорақалпоқ миллий маънавияти ва маданияти ривожи, ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз шаҳар марказий майдонининг умумий кўринишига монанд замонавий меъморлик услубида бунёд этилган Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг янги биносини кўздан кечирар экан, ушбу майдон ва унинг атрофидаги бинолар бирбирига уйғун, муайян маъно-мазмунга эга яхлит композиция ташкил этганини таъкидлади. Майдонга маҳаллий тупроқ ва иқлим шароитига мос дарахт кўчатлари ўтқазиш, ландшафт дизайни устида янада пухтароқ ишлаш юзасидан тавсиялар берди.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нукус филиалида талабалар бугунги кунда тўрт йўналиш бўйича замонавий таълим стандартлари асосида илм-фан сирларини ўрганмоқда. Университетнинг янги ўқув биносида талабалар учун барча қулайликлар яратилган.

Президентимиз мазкур билим даргоҳида бўлиб, таълим жараёни, бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан танишди, талабалар билан суҳбатлашди. Юртбошимиз ахборот асри деб номланган XXI асрда ҳаётни информацион технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмаслигини, қорақалпоқ ёшлари ўз салоҳияти билан дунёга янада фаолроқ чиқиши, бошқалардан кам эмаслигини исботлаши лозимлигини таъкидлади.

Мамлакатимизда барча соҳаларда эришилаётган улкан ютуқлар замирида инсон манфаатлари мужассам эканини Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

**Воҳид ЛУҚМОНОВ,**
**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
**Аминбой ОРТИҚБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

# ПЕДАГОГИК МАҲОРАТНИНГ УЧ УСТУНИ

***Шайхонтоҳур туманидаги 314-мактабда она тили ва адабиёт ҳамда миллий ғоя туркумига кирувчи фанлар ўқитувчилари учун "Таълим самарадорлигини юқори босқичга кўтаришда инновацион технологияларнинг ўрни" мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.***

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси Методика маркази томонидан ташкил этилган ушбу семинарда туманларда "Устоз-шогирд мактаби" тизими доирасида фаолият кўрсатаётган устоз ва шогирд ўқитувчилар иштирок этди. Семинарда Республика таълим марказининг "Илғор педагогик технологиялар" бўлими бошлиғи Камола Усмонова "Таълим самарадорлигини юқори босқичга кўтаришда инновацион технологияларнинг ўрни" мавзусида маъруза қилди.

Халқ таълими вазирлиги томонидан октябрь — она тили ва адабиёт фанлари ойлиги деб эълон қилингани муносабати билан Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси Методика маркази она тили ва адабиёт фанлари методисти Замира Азимбоеванинг "Фан ойликлари: у ўқувчига нима беради?" мавзусидаги маърузасида эса фан ойлигини юқори савияда ташкил этиш юзасидан тавсиялар ўрин олди. Маърузачи бола шахси ҳамда маънавиятини юксалтиришда фан ўқитувчилари олдида турган долзарб масалаларга тўхталди.

Тажрибали устоз ўқитувчилар томонидан фанларни ўқитишга доир зарур методик тавсиялар берилди. Илмий-амалий семинарнинг иккинчи қисми шўъбаларга бўлинган ҳолда давом этди.

— Педагогик маҳорат уч асосий устунга суянади, — дейди 102-мактабнинг миллий ғоя туркумига кирувчи фанлар ўқитувчиси Эътибор Назарова. — Улар — билим, тажриба ва маҳорат. Ҳар бир педагог ўз устида тинимсиз ишлаши, маҳоратини мунтазам равишда ошириб бориши, педагогик метод ва кўргазмали қуроллардан унумли фойдаланиши, ўқувчилар диққатини ўзига қарата олиши муҳим.

Семинарда ёш ўқитувчиларга берилган шу каби тавсиялар келгусида дарслар самарадорлигини оширишга хизмат қилиши табиий.

**Санжар РУСТАМОВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**

# УСТОЗ-ШОГИРД

## *таълим юксалишига муносиб*



Бугун олий ўқув юртини тугатган ёш мутахассисларимиз зукко ва билимдон, назарий билимларни пухта эгаллаган ҳолда мактабларга кириб бормоқда. Таълим муассасаларида бир қанча йирик тажрибага эга ўқитувчи-педагоглар тажрибалари орқали ёш муаллимлар тез орада ўқувчиларнинг меҳрибон муаллимлари сифатида намоён бўлмоқда. Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан ёш кадрларни шундай тажрибали ўқитувчиларга бириктириш анъанаси йўлга қўйилди.

Қарабсизки, тажрибали ўқитувчи кечаги ёш ўқитувчига иш ўргатаяпти, назария иш амалиётига айланиб, ёш ўқитувчи касбий сабоқ олаяпти. Айни пайтда устоз-шогирд мактабида илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, амалиётга татбиқ этиш, дарс бераётган фани, педагогика, психология янгиликларини ўрганиш ва амалга татбиқ қилиш, ўқитишнинг замонавий усулларини, таълим-тарбияга оид ҳужжатларни ўзлаштириш, тарбиявий ишларни олиб бориш йўналишларида амалий сабоқлардан баҳраманд бўлишаётир.

Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида Халқ таълими вазирлиги, Жаҳон банки, Осиё Тараққиёт Банки, Британия кенгаши ташкилотлари вакиллари иштирокида халқаро ташкилот — ЮНЕСКО ташаббуси билан «Таълим сифатини ривожлантиришда ўқитувчиларнинг ўрни» мавзусидаги давра суҳбатида бу жиҳат атрофлича муҳокама қилинди.

Давра суҳбатида Ўзбекистондаги ЮНЕСКО ваколатхонаси бошлиғи Х.Эспинал, ХТВ таълим муассасаларини ташкил этиш бош бошқармаси бошлиғи Ф.Аҳмедов, А.Авлоний номидаги ПХҚТМОМИ ректори М.Алиев, Жаҳон банки, Британия кенгаши, Осиё Тараққиёт Банки вакиллари, мутахас-

*O'qituvchi hisob-kitob ishlaridan ozod bo'lib, asosiy vaqti o'quvchiga to'laqonli bilim berish uchun sarflanishi, baholashda quyidan yuqoriga qarab ijobiy baholab borishi yangi reyting tizimining afzalligini ko'rsatib turibdi.*



# ЯНГИ РЕЙТИНГ ТИЗИМИ

## ўқувчини ҳар бир имкониятдан самарали фойдаланишга, ўқитувчини янги изланишлар қилишга ундамоқда

***Ўқувчи учун асосий рағбат — бу баҳо. У юқори баҳога интилади, ўқитувчидан «Баракалла, баҳонгиз — 5 балл» деган илиқ сўзни кутади. Рағбат бўлмаган жойда иштиёқ сўнади. «5—9-синф ўқувчиларининг билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом»нинг бир қатор қулайликлари ўқитувчиларга маъқул келдими? Биз бир ой давомида ушбу такомиллаштирилган рейтинг тизимида иш олиб бораётган ўқитувчилар фикри билан қизиқдик.***

— 2010-2011 ўқув йилининг биринчи кунидано қ фан ўқитувчилари учун 5—9-синф ўқувчиларининг билимларини баҳолаш ва уларнинг рейтингини аниқлаш тизими ҳақида семинар ташкил қилдик, — дейди Юнусобод туманидаги 274-мактаб директори Сайфулла Маҳкамов. — Гарчи улар халқ таълими ходимларининг анъанавий Август кенгашларида ушбу тизим билан танишган бўлсалар-да, унинг мақсад ва вазифалари, назорат турлари, якуний рейтинг кўрсаткичларини аниқлашни слайдлар орқали яна бир карра батафсил тушунтириб бердик. Ўқитувчиларга эса ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолашда ҳаққонийлик, ишончлилик ва қулай шаклдаги принципларга риоя этишни, таълим жараёнида ўзаро мусобақа муҳитини яратишни, ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш, илҳомлантиришни асосий вазифа этиб белгиладик. Жорий, оралиқ ва босқичли назоратни амалга ошириш шакллари ҳақида маълумот бердик. Ҳар бир фан ўқитувчиси ўқувчилар билимини назорат қилишнинг қуйидан юқорига ижобий баҳолаш талаби асосида бериладиган 5 имкониятни белгилаб олиб, янги тизимда ўқувчилар билимини холисона баҳоламоқда. Ҳар бир синфда ота-оналар мажлиси ўтказилиб, уларга амалда қўлланилаётган баҳолаш тизимидаги «1» ёки «2» баллар жазоловчи ёки камситувчи баҳо эмас, аксинча у имкониятлардан фойдаланишнинг илк натижаси эканлиги тушунтирилди. Хўш, айни кунда мактаб ўқитувчиларининг рейтинг тизимига муносабати қандай? Ўқувчилар ўзларига берилган имкониятлардан қай даражада фойдаланмоқда?

**Нозима УСМОНОВА:** — Бошланғич синфларда 5 балли рейтинг тизимидан фойдаланиш яхши натижа беряпти. Ҳар бир ўқувчи ўз билим даражасига яраша балл олаяпти. Биргина мисол келтираман: 2-«Д» синфидаги «Уй расмини чизиш» мавзусидаги тасвирий санъат дарсида ўқувчиларга қуйидагича имкониятлар бердим:

«1 балл» — 5та имкониятнинг 1тасидан фойдаланиш. Ўқувчи расмни чизаётганда уй тасвирини қоғоз юзасига тўғри жойлаштиргани учун берилган имкониятнинг биттасидан фойдаланган ҳисобланади ва у «1» балга эга бўлади;

«2» балл — 5та имкониятнинг 2тасидан фойдаланиш. Бунда ўқувчи тасвирланаётган шаклнинг бўйи ва энини ўзаро солиштиради. Қаламни тўғри ушлаш ва предметнинг тузилиш қисмлари жойлашувини аниқлагани учун 1 балл, майда бўлакларини тўғри тасвирласа — 1 балл, нарса тасвирига аввал оч, сўнг тўқроқ бўёқда ишлов бера олса, рангларни тўғри танлай билса — яна 1 балл — жами 3 балл йиғилади ва ҳоказо.

Математика фани ўқитувчиси Гулиза Фозилова эса 10 йиллик иш тажрибасига эга. Унга ҳам янги рейтинг тизими маъқул келди.

— Ўқувчиларимнинг фикрлаш қобилияти, қизиқиши, ижодий ишларига ҳам эътибор бериб, баҳолашга ҳаракат қиламан, — дейди Г.Фозилова. — Уй вазифасини бажаргани учун «1» балл, савол-жавобларда қатнашгани учун «1» балл, мисоллар еча олса — «1» балл, қўшимча маслаҳат ва топшириқларга нисбатан ижодий мойиллиги учун «1» балл, ўқув фанини ўзлаштириш учун ишчи дафтари юритишига «1» балл олган ўқувчи жами «5» балга эга бўлади. Мен ана шу имкониятларни ўқувчилар қўлга кирита олишлари учун дарсда «Ёш математик» қомусий луғати, А.Абдуғаниевнинг «Тестлар тўплами», И.Омоновнинг «Қизиқарли математика», халқаро танловлардаги масалалардан фойдаланиб бораман.

Кимё, биология фани ўқитувчилари эса лаборатория ишлари, уларни тўлиқ бажара олиш, ўтказилган тажрибалар моҳиятини англашни, формулаларни тўғри ёза олиш кабиларни ҳисобга олган ҳолда ўқувчига бир қатор имкониятлар беришаётган экан.

### Jarayon

Она тили, рус тили дарсларида эса биргина машқ ёзишнинг ўзи кифоя қилмайди, ўқувчи уй вазифасинигина бажариб, «5» балл олмайди, ундан дарс охиригача фаол бўлиб, савол-жавобларда, янги мавзуни мустаҳкамлашда ҳам қатнашиши талаб этилади. Чунки у 5та имкониятни дарс давомида қўлга киритади. Шунингдек, адабиёт, тарих дарсларида қўшимча адабиётлардан фойдаланиш, синфдан ташқари шеър ёдлаш, ривоят ва афсоналар ўқиш, баҳс-мунозараларда ўз фикрини мустақил баён эта олиши, рефератлар тайёрлаши, мавзуга доир қўшимча манбаларни чуқур ўрганиши ҳам ўқувчи имкониятларини оширади.

Тошкент шаҳридаги 9-мактаб ўқитувчиси Сайёра Отаметова ҳам ўқувчилар меҳнатининг ҳар бир назорат тури бўйича билимини баҳолаш ва рейтинг кўрсаткичларини аниқлашда уларнинг мавзу моҳиятини тушуниб етиши, олган билимларини амалда қўллай олиши, мустақил мушоҳада юритиб, ижодий фикрлай олиши ва хулоса чиқара билиши, мустақил ишларни бажариши каби мезонларга эътибор қаратаётганини таъкидлади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бу тизимда 4,3; 4,9; 3,3 каби ўнли каср сонлари йўқ, ҳар бир назорат тури, у жорий ёки оралиқ назоратми, ёзма иш баҳосими, бутун сонлар ёрдамида «1», «2», «3», «4», «5» шаклида ифодаланади. Қолаверса, 45 дақиқа давомида ўқувчи 5та имкониятнинг 4 ёки 5тасидан фойдаланиши мумкин. Ўқитувчи чорак ва йил охирида назорат турлари бўйича олинган ҳисоб-китоб қилиш ишларидан озод бўлиб, асосий вақти ўқувчига тўлақонли билим бериш учун сарфланиши, баҳолашда қуйидан юқорига қараб ижобий баҳолаб бориши янги рейтинг тизимининг афзаллигини кўрсатиб турибди.

**Маҳмуда ВАЛИЕВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**

### ҲУРМАТЛИ, ОТА-ОНА!

*"Кундалик дафтар" фарзандингиз таълим-тарбиясида Сизга яқиндан ёрдам берувчи воситадир. Сиз унинг тўғри ва сифатли юритилишини, ўқув фанларидан қўйилган баҳоларни назорат қилиб боришингиз керак.*

*Кундалик дафтарга қўйилган баҳоларни белгилашда ўқитувчи янги, ўзига хос усулни қўллайди, бу усул илгариги "5" баҳолик тизимдан тубдан фарқ қилади. Авваллари "5" баҳолик тизимда ўқувчилар фақат "4" ва "5" баҳолар орқали рағбатлантирилиб, қолган баҳолар камситувчи, жазоловчи баҳолар сирасига киритилган эди. "Уч баҳо — пуч баҳо", "иккичи" каби атамалар юзага келиб, ўқувчиларда билим олишга бўлган иштиёқни пасайтирган. Ўқувчига "1" баҳони қўйилиши эса энг катта жазо ҳисобланган.*

*Рейтинг тизимида бундай ҳолатга барҳам берилди. Энди сиз фарзандингизнинг кундалик дафтарида "1" ёки "2" бални кўрсангиз билингки, у берилган 5 та имкониятдан биттаси ёки иккитасидан фойдаланган, жазоланмаган, аксинча, имкониятдан фойдаланганлиги учун рағбатлантирилган.*

*Энг муҳими, фарзандингиз ҳеч қачон ўзининг салоҳияти ёки имконияти даражасида эгаллаётган билими, шаклланаётган кўникма ва малакаларига нисбатан камситилмайди. Ҳатто, у энг кичик — "1" баллик имкониятдан фойдаланса ҳам уни ўз устида ишлашга ундайди*

*Жорий этилаётган рейтинг тизимининг ихчамлиги, оддийлиги, кенг жамоатчилик (ўқитувчи, ўқувчи ва ота-оналар) учун тушунарлилиги, энг муҳими ўқувчининг билим олишга бўлган интилишини ривожлантириш учун осойишта, ижобий, илиқ муҳит шакллантириш, ўқитувчи, ўқувчи ва ота-оналар ҳамкорлигини самарали йўлга қўйиши билан аввалгилардан фарқланади.*

*Мазкур рейтинг тизимини тайёрлаш даврида дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибалари ўрганилди ва баҳолашнинг янги, ўзига хос, самарали механизми ишлаб чиқилди.*

*Сиздан фарзандингизнинг олган балларини кузатиб боришингиз, унинг имкониятлардан кўпроқ фойдаланишида руҳан кўмаклашишингиз, далда беришингиз сўралади. Фарзандингизда қўлга киритган бални яна кўпайтириб бориш имконияти мавжуд.*

# МАКТАБИ

## ҳисса қўшади

### Davra suhbati

сислар таълим сифатини ривожлантиришда ўқитувчиларнинг ўрнини аниқлаш, ХТВ ташаббуси билан ўқув жараёнига жорий этилган устоз-шогирд иш усулини бойитиш ҳамда бу йўналишда Халқ таълими вазирлиги ва халқаро ташкилот томонидан олиб борилаётган лойиҳаларни мувофиқлаштириш, уйғунлаштириш борасида амалга ошираётган ишларини йиғилганларга гапириб беришди. Қувонарлиси, у ерда ўқитувчиларнинг касбий малакалари бўйича илмий-услубий ва амалий тажрибаларни мустаҳкамлаш, уларга интерфаол восита ва усулларни ўргатиш, таълим-тарбия бериш йўналишидаги психологик ва педагогик технологияларни, илғор тажрибаларни таълим муассасаларига тезкор етказиш, устоз-шогирд мактаби учун ҳамкорликда илмий-услубий ишланмалар тайёрлаш, тайёр тренерлар иштирокида уларга мўлжалланган ўқув-семинарлар ташкил этиш юзасидан ўзига хос таклифлар ўртага ташланди.

Эътиборлиси, жараёнга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида Абдулла Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИда қисқа фурсатларда «Педагогнинг устоз-шогирд мактаби бўйича малака ошириш ўқув жараёнини ташкил этиш юзасидан йўриқнома» лойиҳаси ишлаб чиқилгани маълум қилинди. Албатта, йўриқнома муҳокама, фикр-мулоҳазалар асосида мукаммал ҳолга келтирилиши зарур. Шу маънода лойиҳа нусхалари давра суҳбатида иштирок этган Халқаро ташкилотлар вакилларига ҳам тарқатилди. Улар ўз навбатида орттирилган тажрибалари асосида амалий фикрларни баён қилишади.



Давра суҳбати якунида устоз-шогирд мактаби тизимини янада юксалтириш юзасидан тушган саволларга биргаликда жавоб изланди ва келажакдаги вазифалар белгилаб олинди.

**Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,**
**«Ma'rifat» мухбири**

**Владимир ГРАНКИН олган суратлар.**

**АНДИЖОН ШАҲРИДАГИ БОБУР НОМИДАГИ ВИЛОЯТ ТЕАТРИДА ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ ТАНТАНАЛИ НИШОНЛАНДИ.**

Унда вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов тадбир иштирокчилари ва таълим тизимининг барча фидойиларини байрам билан муборакбод этди. Нотиқ ўз сўзида муҳтарам Президентимизнинг БМТ бош минбаридан туриб Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотлар самараси тўғрисида батафсил фикр билдиргани, шунингдек, Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан йўллаган табригида устозлар меҳнатига юксак баҳо бергани ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

Чиндан ҳам мустақиллик туфайли республикамизнинг таълим тизимида катта ўзгаришлар юз берди. Биргина Андижон вилоятида кейинги йилларда 69та касб-ҳунар коллежи, 7та академик лицей, 11та мактаб барпо этилди. Андижон туманидаги 45-мактабнинг биология фани ўқитувчиси Барно Мухторова «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси-2010» кўрик-танловининг республика босқичида ғолиб бўлди. Кўрғонтепа туманидаги 3-мактаб эса «Йилнинг энг яхши мактаби» деган шарафли номга эга бўлди. Асака туманидаги 16-махсус мактаб-интернат ўқувчиси Моҳидилхон Сатторова ўзбек тили бўйича республика фан олимпиадасида биринчи ўринни қўлга киритди.

Тантанали йиғилишда Шаҳрихон туманидаги 53-ихтисослашган мактаб-интернати директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Камолиддин Ғофуров, Андижон туманидаги 25-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Шоҳида Розиқова, Андижон шаҳридаги 1-мактаб муаллимаси Феруза Қозоқова сўзга чиқиб, тантана қатнашчиларини самимий табриклади.

**О.СИДДИҚОВ**

**ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ, ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТЛАР, ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАРМОҚ КАСАБА УЮШМА КЕНГАШЛАРИ ТАШАББУСИ ВА БЕВОСИТА ҲОМИЙЛИГИДА 1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БИР ҚАТОР ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛДИ.**

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси республика кенгаши ва Нукус шаҳар халқ таълими бўлими ҳамкорлигида «Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз устозлар!» номли тантанали кеча ва байрам концерти ташкил этилди.

Тошкент вилояти Янгийўл туманида ўтказилган байрам тадбирида 200дан ортиқ ўқитувчи ва мураббийлар ташкилотчиларнинг Фахрий ёрлиқлари ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Фарғона вилояти кенгаши, барча туман, шаҳар бирлашган касаба уюшма қўмиталари, Фарғона давлат университети, Қўқон давлат педагогика институти, Фарғона политехника институти маъмурияти томонидан турли мавзуларда маданий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ва спорт мусобақалари ташкил этилди.

Қашқадарё вилояти кенгаши томонидан ўтказилган кечаларда 270 нафар, Наманган вилоятида 150 нафар, Самарқанд вилояти кенгаши томонидан 16 нафар, Хоразм вилоятида эса 60 нафар энг илғор, фидойи ўқитувчилар муносиб рағбатлантирилди.

Бухоро вилоятининг Ғиждувон, Пешку, Қоракўл туман бирлашган касаба уюшма қўмиталари томонидан халқ таълими ходимлари ўртасида спортнинг шахмат-шашка ва волейбол турлари бўйича мусобақалар ўтказилди.

Шунингдек, байрам тадбирлари Сурхондарё, Жиззах ва Навоий вилоятларида ҳам кўтаринки кайфиятда ташкил этилди.

**Маҳмуда МУРЗАЕВА,**
**Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши бош мутахассиси**




**ИНГЛИЗ, НЕМИС ВА ФРАНЦУЗ ТИЛЛАРИНИ ПУХТА ЎЗЛАШТИРАЁТГАН СИРДАРЁЛИК ЎҚУВЧИЛАРНИ МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЖИҲАТДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ БИЛИМ ОЛИШ ЙЎЛИДАГИ МАҚСАДЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН СИРДАРЁ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ СТИПЕНДИЯСИ ЖОРИЙ ЭТИЛГАНИДАН СЎНГ ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР СОНИ ТОБОРА ОРТИБ БОРМОҚДА.**

Гулистондаги 8-умумтаълим мактабида мазкур танловнинг галдаги ғолиблари аниқланди. Унда шаҳар ва туман босқичларида фахрли ўринларни эгаллаган 60 нафарга яқин ўқувчи иштирок этди.

Ҳакамлар ҳайъатининг қарорига кўра, 26 нафар ўқувчи вилоят ҳокимининг стипендиясига сазовор бўлди. Энди улар уч ой давомида энг кам иш ҳақининг бир баробари миқдорида пул мукофотини оладилар.

**Бойжигит АБДУЛЛАЕВ**

**ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИДАГИ 210-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИДА ҲАМ ИҚТИСОД ВА ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ ОЙЛИГИ ЯКУНИГА ЕТДИ. БУ ОЙЛИКДА МАКТАБ ФОЙЕСИНИ БЕЗАТИШ УЧУН УСТОЗ ВА ЎҚУВЧИЛАР — «ЖАҲОН — ҲАФТА ИЧИДА», «ЎҚИНГ БУ ЖУДА ҚИЗИҚ», «ЎЗБЕКИСТОН ҚЎРИҚХОНАЛАРИ», «ВАТАНИМИЗ ОБҲАВОСИ» РУКНИ АСОСИДА ДЕВОРИЙ ГАЗЕТАЛАР, БУКЛЕТЛАР ТАЙЁРЛАШДИ.**

Мактабда жонли бурчак ташкил этилиб, унда аквариум балиқлари парвариш қилинади. Туман ўқитувчилари учун «Иқтисодий билим асослари» фанидан ўқитувчи Раъно Толибжонова 9-«А» синфда «Фирма очиш» мавзусида инновацион технологиялардан фойдаланиб, электрон кўргазмалар асосида саҳналаштирилган очиқ дарс ўтди. Дарсда синф ўқувчилари «Тадбиркорлар», «Иқтисодчилар», «Банкирлар» гуруҳларига бўлиниб, берилган топшириқларни бекаму кўст бажардилар. Тадбиркорлар «Умидабону» гўзаллик салонини, иқтисодчилар «Боғи шамол» фермер хўжалигини, банкирлар «Ўзбегим либослари» акциядорлик жамиятини туздилар.

Устоз томонидан ҳар бир шартни тўғри ва тез бажарган гуруҳ автомашина расми — 5 балл, телефон расми — 4 балл, гулдаста расми — 3 балл билан баҳоланди.

**МУХБИРИМИЗ**

**ЎҚИТУВЧИ ПЕДАГОГНИНГ НУТҚИ РАВОН, ТИЛИ ИФОДА УСУЛИ ВА ТАСВИР ВОСИТАЛАРИГА БОЙ, АДАБИЙ ТИЛ УСЛУБИ ВА МЕЪЁРИНИ ТЎЛА ЭГАЛЛАГАН БЎЛИШИ ЗАРУР.**




Дарҳақиқат, бу жиҳатлар устознинг нафақат касб маҳорати, балки шахсининг хурмат-эътиборида ҳам муҳим саналади. «Бошланғич таълим» журналининг навбатдаги 9-сонидан ўрин олган «Педагоглик одоби» мақоласида Чирчиқ ижтимоий-иқтисодиёт коллежи катта ўқитувчиси Гулмира Тожибоева ана шу мавзуга эътибор қаратади ва бир қатор касбий малакалар, жумладан, касб одоби, аҳлоқий билим, аҳлоқий эътиқод, аҳлоқий идеал каби хусусиятлар педагоглик одоби билан боғлиқлиги хусусида тўхталиб ўтади.

Ёш авлодни ватанпарварлик, Истиқлолимизни мустаҳкамлаш, юрт равнақига ҳисса қўшиш, ўз юртидан, унинг бойликларидан ғурурланиш ҳиссини туйиш руҳида тарбиялаш мактаб таълим-тарбиясининг асосий вазифалари сирасига киради. «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!», «Ассалом, ўзбегим, қутлуғ истиқлол!», «Юрт тинчлиги», «Оламаро атадим таҳо» сингари материаллар ана шу борада ўқитувчилар учун қўшимча манба вазифасини ўтайди. Ўқиш дарсларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи «Сўз бирикмалари устида ишлаш», «Китобга иҳлос», шунингдек, «Она тилини ўқитиш методикаси», «Қувноқ дақиқалар», русийзабон муштарийлар учун чоп этилган «Посвящение в первоклассники», «Закружила осень жёлтую метель...», «Учимся любить, ценить и беречь природу» мақолалари ҳам, албатта, ўқувчилар эътиборидан четда қолмайди, дея умид қиламиз.

**О.МУРОДУЛЛАЕВА**

**ЮНУСОБОД ТУМАНИДАГИ 58-МАКТАБДА ҚЎШАЛОҚ ШОДИЁНА. ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ ТАНТАНАЛАРИ МАКТАБ ҚОШИДАГИ ҲАРБИЙ-СПОРТ СИНФЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ҚАСАМЁД ҚАБУЛ ҚИЛИШ МАРОСИМИГА УЛАНИБ КЕТДИ.**





Тадбирда туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, «Sen yolg'iz emassan» республика жамоатчилик фонди, «Алфа тренинг» шўъба корхонасидан ташриф буюрган меҳмонлар, ота-оналар сўз олиб, барча педагогларни айём билан табрикладилар. Ёш авлод таълим-тарбиясига йўлидаги шарафли меҳнатларини улуғлаб, миннатдорлик билдирдилар. Шунингдек, соҳада жонкуярлик билан меҳнат қилаётган устоз-мураббийлар, аъло баҳога ўқиётган ўқувчиларга фахрий ёрлиқ ҳамда ташаккурномалар топширилди.

Шундан сўнг ҳарбий-спорт синфига янги қабул қилинган ўқувчилар қасамёд қабул қилдилар. Тадбирда муассасада таҳсил олаётган ҳарбий ўқувчиларга яратилган шароитлар ҳақида ҳам алоҳида таъкидланди.

— Муассасамизда бу йўналиш «Алфа тренинг» шўъба корхонаси кўмагида 2005 йилда ташкил этилган, — дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Сабоҳат Султонова. — Синфларга қабул қилиш махсус танлов асосида бўлиб, унда 4-9-синф ўқувчилари иштирок этади.

— Ушбу синфга қабул қилинганимдан мамнунман, — дейди ғазалкентлик Достон Раҳмонбердиев. — Бу ерда тартиб-интизом қатъийлигини эшитиб, шу ерни танладим. Ёшлигимдан ҳарбий бўлишга қизиқардим. Яхши ўқиб, Ватанимни ҳимоя қилишга шай, мард ўғлон бўлишга ҳаракат қиламан.

— Халқимиз тинчлиги ва осойишталигини ишончли ҳимоя қилиш ҳар бир йигит-қизнинг бурчига айланиб улгурди, — дейди Маъмура Назарова. — Набираларим Анваржон ва Абдулазизжон бугун қасамёд қабул қилишди. Ишонаманки, улар ана шу қасамёдга содиқ қолиб, ватанпарвар бўлиб вояга етишадилар.

Байрам ўқувчи-ёшлар ҳамда ҳарбий оркестрнинг концерти билан давом этди.

**Анвар ҚОБИЛОВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**

# Savol bering, javob beramiz

**Таҳририятимизга хат йўллаган муштарийлар Давлат тест маркази томонидан амалга оширилаётган ишлар, у ерда қўлланилаётган янгиликлар, Ўзбекистонда ДТМ аккредитациясидан ўтган олий ўқув юртлари ҳақида маълумот, чет эл олий ўқув юртлари дипломлари нострификацияси қандай ўтказилиши, олий таълим муассасасига киришда имтиёз берувчи тавсияномани олиш тартиблари билан қизиқиб, айрим саволлар билан мурожаат қилишган. Ушбу саволларга Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказидан жавоб олдик.**

## ЯНГИЛИКЛАР НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

**САВОЛ: — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан таълим самарадорлигини ошириш юзасидан жорий йилда қандай янгиликлар амалга оширилмоқда?**

**М.Назарова**
**Ғиждувон тумани**

**ЖАВОБ:** — Давлат тест маркази жорий ўқув йилида ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 293-сон қарорида белгиланган асосий вазифаларни бажариш мақсадида республика таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда тест синови орқали танлаб олиш, кадрлар тайёрлаш сифати ва ўқув жараёни самарадорлиги холисона баҳоланишини назорат қилиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, абитуриентлар, ўқувчилар, талабалар билимларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандартларига ва давлат талабларига мувофиқлигини таҳлил қилиш, тест синови натижаларининг холислиги, ишончлилиги ва адолатлилигини таъминлаш, узлуксиз таълим тизимида банд бўлган педагоглар, профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимларни аттестациядан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш, идоравий мансублиги ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, таълим муассасаларини аттестациядан ўтказишини ташкил этиш ва амалга ошириш, таълим муассасалари рейтингини аниқлаш, Вазирлар Маҳкамасининг Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш комиссиясининг ишчи органи функцияларини бажариш, шунингдек, хорижий мамлакатларда берилган таълим тўғрисидаги ҳужжатларни эътироф этиш ва нострификациялаш (тенглигини аниқлаш) тартиби амалга оширилишини ташкил этиш ва таъминлаш ишларини бажариш режалаштирилган. Шу нуқтаи назардан, ҳозирда Давлат тест марказининг масъул ходимлари томонидан маълумотлар базаси, аттестация жараёнига оид идоравий меъёрий қонун ҳужжатлари ҳамда баҳолаш мезонлари қайта тўлдирилмоқда, такомиллаштириш ишлари манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда олиб борилмоқда.

## ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ СОНИ ҚАНЧА?

**САВОЛ: — Ўзбекистонда ДТМ аккредитациясидан ўтган олий ўқув юртларининг сони қанча? Уларнинг расмий юридик номлари, манзили ҳақида тўлиқ маълумот берсангиз?**

**Б.Қурбонбоев**
**Наманган вилояти**

**ЖАВОБ:** — Олий ўқув юртлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 21-сон қарорига асосан давлат аккредитациясидан ўтказилади. Бугунги кунда мамлакатимизда 13та вазирлик ва идоралар тасарруфидаги 60та олий таълим муассасаси, уларнинг 11та филиали, 2та факультети фаолият кўрсатади.

Маълумки, мамлакатимиз қонун ҳужжатлари асосида Вазирлар Маҳкамасига бошқа давлатларнинг таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар бериш ваколати юклатилган.

Ҳозирги кунда республикамизда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари билан ташкил этилган бир нечта хорижий мамлакатларнинг олий таълим муассасалари фаолият кўрсатади. Булар, **Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер Университети** (Англия) (Манзили: Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй); **Турин политехника университети** (Италия Республикаси), (Манзили: Кичик халқа йўли кўчаси, 17-уй); **Москва давлат университетининг филиали** (Манзили: Мовароуннаҳр кўчаси, 22-уй); **Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг филиали** (Манзили: Ўзбекистон кўчаси, 49, 7 корпус); **И.М.Губкин номидаги Россия нефть ва газ университетининг филиали** (Манзили: Дўрмон йўли кўчаси, 34-уй) ҳисобланади. Бундан ташқари, давлат лицензиясига эга бўлган **Сингапур менежментни ривожлантириш институти** нодавлат олий таълим муассасаси ҳисобланади (Манзили: Бунёдкор кўчаси, 28-уй).

## НОСТРИФИКАЦИЯ ҚАНДАЙ ЎТКАЗИЛАДИ?

**САВОЛ: — Чет эл олий ўқув юртлари дипломлари нострификацияси қандай ўтказилади? Талабгорлар қандай ҳужжат тақдим этишлари талаб қилинади?**

**Ш.Машарипов**
**Хоразм вилояти**

**ЖАВОБ:** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги «Расмий давлат ҳужжатларини тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш, топшириш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 283-сон қарорининг 25-иловаси билан тасдиқланган «Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тартиби тўғрисида Низом»да белгиланган тартибга кўра, хорижий давлатларда таълим олган фуқароларнинг маълумоти тўғрисидаги дипломлари нострификация қилинади. Жумладан, кооперация ва (ёки) мақсадли ўқитиш («Истеъдод» жамғармаси тавсияси билан, давлатлараро битимлар орқали ва бошқалар) асосида хорижий давлатларнинг таълим тўғрисидаги олинган ҳужжатларини тан олиш ва нострификациялаш тўғридан-тўғри текширувсиз амалга оширилади ва тегишли ҳужжат расмийлаштирилади.

Хорижий давлатларда ўрта махсус ва олий таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва уларнинг эквивалентлигини қайд этиш ҳақидаги ариза билан маълумот тўғрисидаги ҳужжат ва унинг иловасининг асл нусхаси (ўтилган ўқув курслари ва уларнинг ҳажми, якуний баҳолар, амалиёт, курс ва битирув малака ишлари рўйхати, ўқув жараёнининг бошқа бажарилган талаблари кўрсатилиши лозим); маълумот тўғрисидаги ҳужжат ва унинг иловасининг Ўзбекистон Республикаси давлат тилига нотариал тасдиқланган таржимаси топширилади.

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларнинг эквивалентлиги тўғрисидаги салбий хулоса: хорижий давлатларда профессионал маълумот тўғрисида ҳужжат берадиган таълимнинг умумий меъёрий даври (тўлиқ ўрта маълумот олингандан кейин) Ўзбекистон Республикаси таълим стандартларида назарда тутилган даврдан бир йилдан кам бўлса; таълим тўғрисидаги ҳужжат берилган мамлакатда унинг эгасига Ўзбекистондагига қараганда кам академик ва (ёки) профессионал ҳуқуқлар берилган бўлса (масалан, ҳужжат эгаси олий ўқув юртларига, магистратура ёки докторантурага кириш, профессионал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эмаслиги); маълумот Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилмаган таълим шаклида олинган бўлса, қабул қилиниши мумкин. Умуман, хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларнинг эквивалентлигини қайд этиш жараёни халқаро битимлар ва тавсиялар, Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари, меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Шунингдек, ўрта махсус ва олий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва эквивалентлигини қайд қилиш тўлов-шартнома асосида амалга оширилади. Тўлов миқдори амалдаги белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорида белгиланади.

Диплом ва эквивалентлигини қайд этиш тўғрисидаги гувоҳнома унинг эгасига Ўзбекистон Республикасидаги таълим муассасасида навбатдаги босқичда ўқишни давом эттириш ёки касбий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини беради.

## ТАВСИЯНОМАНИ ОЛИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

**САВОЛ: — Ҳарбий хизматни ўташ давомида олий ўқув юртига ўқишга киришда имтиёз берувчи тавсияномани олиш тартиблари билан батафсил таништирсангиз.**

**Ш.Эралиев**
**Шеробод тумани**

**ЖАВОБ:** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 213-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқаролар учун республика олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўпланадиган энг кўп балнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча балл шаклидаги имтиёз берилиши белгиланган. Шу жумладан, ушбу қарорда Қуролли Кучлар қўшинлари турларининг жанговар хизмат вазифалари хусусиятларини эътиборга олган ҳолда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик дастурини ўзлаштиришини якуний баҳолаш учун тестлар ишлаб чиқиш, шунингдек, тест натижалари муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга олий таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тавсияномалар беришда ҳисобга олиниши белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик даражалари бўйича тест синовларини топширишади.

## ХОРИЖДА ИШЛАСАМ БЎЛАДИМИ?

**САВОЛ: — Ўзбекистонда фаолият юритаётган хориж олий ўқув юртлари филиалларининг дипломлари юртимизда ва хорижда ишлашга асос бўла оладими?**

**И.Акромов**
**Қибрай тумани**

**ЖАВОБ:** — Мамлакатимиз қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори билан ташкил этилган таълим муассасалари биринчи аттестациядан ўткунга қадар аккредитацияланган деб ҳисобланиши белгиланганлиги Ўзбекистонда фаолият юритаётган 6та хориж олий ўқув юртларининг дипломлари навбатдаги босқичда ўқишни давом эттириш ёки касбий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини беради.

Республикамизда фаолият юритаётган хорижий олий таълим муассасаларининг дипломлари ҳар бир мамлакат қонун ҳужжатларига мувофиқ тан олинади ва навбатдаги босқичда ўқишни давом эттириш ёки касбий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини беради.

**Саҳифани Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ тайёрлади.**

*Bu sizning kitobingiz: o'qing, o'rganing, asrang, avaylang!*

# YANGI AVLOD DARSLIGI — AMALIYOTGA

Umumta'lim maktablarining "Chizmachilik" fani darsligini yaratish bo'yicha e'lon qilingan tanlovda I.Rahmonovning 8–9-sinf "Chizmachilik" darsliklari va "O'qituvchi kitobi" o'quv-metodik qo'llanmasi g'olib deb topildi.

Umumiy o'rta ta'lim maktablarining amaldagi o'quv rejasiga binoan, grafik ta'lim 8–9-sinflarda berilib, bunda oliy o'quv yurtlarida o'tiladigan «Chizmachilik» kursi dasturining soddalashtirilgan shaklidan foydalanilgan, ya'ni chizmachilik fani bo'yicha ta'lim konsentrik dastur asosida olib boriladi. Darslik chizmachilik kursining barcha bo'limlarini o'z tarkibiga olgan bo'lib, unda o'quvchilar o'quv rejada belgilangan 68 soat hisobiga geometrik, proyeksion, mashinasozlik va qurilish chizmachiligi o'quv materiallarini o'zlashtirishlari ko'zda tutilgan. Chizmalarni taxt qilish, chizmachilik shriftlarini o'rganish, geometrik yasashlar sohasidagi mavzularning mazmuni takomillashtirilgan.

Darsliklarda qo'llanilgan termin va atamalar O'zbekiston Respublikasi davlat standart konstruktorlik hujjatlari yagona tizimi (O'z DSt 2.001:2003)ga to'la amal qilingan holda yozilgan. O'quvchilarning fazoviy tasavvurini, ya'ni xotira, tasavvur xayolini va grafik tafakkurini rivojlantirish butun kursning asosiy o'zagini tashkil qiladi.

Bulardan tashqari, proyeksiyalash asoslari va proyeksiyalar bo'yicha nazariy qism grafik ishlarning mazmuni bilan boyitilgan va kompyuterda chizma bajarishga alohida e'tibor qaratilgan.

Darsliklar 34ta paragrafdan iborat bo'lib, 34ta darsga to'liq to'g'ri keladi. Har bir mavzu aniq ajratilgan va uni o'qitish uchun tanlangan grafik materiallar (chizmalar) asta-sekin oddiydan me'yoriy talablarga qarab o'sib borgan.

Mustaqil bajarish uchun berilgan mashqlar o'quvchilarning o'rtacha (A), yaxshi (B) va yuqori (D) o'zlashtirish imkoniyatlari hisobga olingan holda tuzilgan. Darsliklardagi bunday yangilik amaliyotchilar uchun qulay. Har bir paragraf oxirida takrorlash uchun savollar, mashqlar, topshiriqlar va testlar berilib, darsliklar boyitilgan.

Chizmalar aniq aks ettirilgan, o'qitish qulayligini oshirish maqsadida ular ranglarda ko'rsatilgan hamda turli bosqichlarda berilgan.

"O'qituvchi kitobi"da milliy istiqlol g'oyasini shakllantirishda chizmachilik fanining vazifalari, nazariy va milliy asoslari, DTS va unda qo'yilgan talablar, darslarni tashkil etishning pedagogik texnologiyalari, fazoviy tafakkur orqali tasavvurni o'stirish, chizmachilikdan olimpiada o'tkazish, dars ishlanmalari va boshqalar bayon qilingan. Har bir mavzuning mantiqiy jamlanmasida unga qo'yilgan barcha metodik talablar to'liq aks ettirilgan bo'lib, har bir dars mavzusi qismlarga ajratilgan.

Ta'lim-tarbiya jarayonida zamonaviy pedagogik texnologiyalardan, didaktik o'yinlardan foydalanib, pedagogik axborot texnologiyalariga ham e'tibor qaratilgan va ularni o'qitish jarayonida qo'lllash bo'yicha misollar keltirilgan.

**Ma'suda ZOKIROVA,**
**Respublika ta'lim markazi metodisti**

*Bir soatlik dars*

# MAVZU: H (VODOROD) OLISH VA UNING XOSSALARI

***(Kimyo, 7-sinf, 2-chorak, mustahkamlash darsi)***

**Darsning maqsadi:**
***ta'limiy:*** o'quvchilarni vodorodning o'ziga xos xususiyatlari, tabiat va inson hayotidagi ahamiyati bilan tanishtirish;
***tarbiyaviy:*** o'quvchilarning bilimini shakllantirish, ularga ekologik va estetik tarbiya berish;
***rivojlantiruvchi:*** o'quvchilarda mustaqil tadqiqotchilik faoliyatini olib borish ko'nikmasini hamda nutq, muloqot madaniyatini rivojlantirish.

**Dars usuli:** guruhlar bilan ishlash, qiziqarli didaktik o'yinlar va amaliy mashg'ulot. Takror savollar, kimyoviy diktant, reaksiya tenglamasi yozish.

**Darsning jihozi:** kimyoviy elementlar davriy jadvali, kartochka, test savollari, Zn bo'laklari, HSl, kipp apparati.

**Dasr uchun ayrim qoidalar:** faol qatnashish, bir-birini tinglash, qo'l ko'tarib javob berish.

**Tashkiliy qism:** (15 daqiqa).

O'quvchilar bilan salomlashib, davomat aniqlangach, guruhlarga nom qo'yiladi:

1-guruh — "Atom", 2-guruh — "Valentlik", 3-guruh "Molekula".

Har bir guruh o'z nomiga ta'rif beradi (5 daqiqa).

Viktorina (15 daqiqa). Bunda guruhlarga 10tadan tezkor savol beriladi.

Masalan:
1. Vodorodning atom massasi nechaga teng?
2. Vodorodning valentligi nechaga teng?
3. Jism nimadan tashkil topgan?
4. Kimyoviy formulaga ta'rif bering.
5. Davriy sistemada nechta kimyoviy element mavjud?
6. Vodorod lotinchada qanday nomlanadi?

Kimyoviy diktant (5 daqiqa).
1. Valentligi 1ga teng bo'lgan element...
2. Vodorod ......... eng ko'p tarqalgan elementdir.
3. ......... qa'rida vodorod atomlari geliy atomlariga aylanadi?
4. "Hudrogenium" .............. yaratuvchi degan ma'noni bildiradi?
5. Yerda eng ko'p tarqalgan birikma .................dir.
6. 1783-yili Parijda Jak Sharl vodorod to'ldirilgan ................ uchirdi.
7. Neytron ................. mavjud emas.

Reaksiya tenglamasini yozish usuli. Bu shartga ko'ra, kimyoviy reaksiya turini aytish talab etiladi (5 daqiqa).

1-guruh
$Zn+HSl \rightarrow$
2-guruh
$CH_4+H_2O \rightarrow$
3-guruh
$H_2O \rightarrow$

Shundan so'ng yozilgan reaksiya tenglamalari tekshirilib, laboratoriya mashg'uloti o'quvchilarga ko'rsatiladi (Laboratoriya mashg'uloti, 10-dars).

Kipp apparatidagi Zn bo'laklari ustiga HSl solinadi, gazli tiqin yordamida $H_2$ yig'ib olinadi. Tajriba tugagach, kron berkitiladi. Ajralib chiqayotgan gazning chiqish yo'li berkilib qolgach, gaz to'planib, kislotani bosa boshlaydi. Kislota voronka orqali yuqoriga ko'tariladi va metall bo'lakchalariga tegmay qoladi, natijada reaksiya to'xtaydi. Yig'ib olingan vodorod CuOga yuboriladi. Buni qanday bilish mumkin? Qora talqon qizg'ish rangga o'tadi. $CuO+H_2 \rightarrow Cu+H_2O$.

Tajriba vaqtida o'quvchilarga quyidagi savollar beriladi:
— H rangi, hidi, ta'mi qanday?
— H qanday haroratda bo'ladi?
— H suvda qanday eriydi?

Vodorod xossasini o'rganishda bir o'quvchi reaksiya tenglamasini doskaga yozib turadi. O'quvchilar savollarga javob berishadi.

Masalalar yechish (10 daqiqa).

Guruhlarga masalalar beriladi.

1-guruhga:
0,5g Zn HCl ga eritilganda qancha hajm $H_2$ ajralib chiqadi?

2-guruhga:
Normal sharoitda 1l hajmdagi vodorodning massasini toping.

3-guruhga:
$H_2O$dagi vodorodning massa ulushini toping.

Shundan so'ng o'quvchilarga vodorod bobi bo'yicha test savollari, kartochkalar tarqatiladi. Guruhlar baholanib, g'olib aniqlanadi, faol o'quvchilar rag'batlantiriladi.

**Uyga vazifa:** Venn diagrammasi asosida H va O xossalarini tushuntirish.

**Hilola RAJABOVA,**
**Buxoro viloyati Kogon tumanidagi 6-maktabning kimyo fani o'qituvchisi**

# БАРЧАГА БИРДЕК ДАХЛДОР ФАН



Юнусобод туманидаги 235-мактаб ўқитувчиси Нодира Маҳамедова 12 йилдан буён «Иқтисодий билим асослари» фанидан ўқувчиларга сабоқ бериб келмоқда. У синфхонадаги барча ўқувчиларнинг дарсга бирдай қатнашишини таъминлашга доимий эътибор қаратади. Муаллима фан ойлигини ҳам ўқувчилар иштирокида уюшқоқлик билан ўтказди. "Ёш иқтисодчилар" тўгарагининг ташкил этилгани мактаб ўқувчилари учун қўшимча имконият бўлди. Иқтисодий билим асослари фанидан ўтказиладиган фан олимпиадасининг туман ва шаҳар босқичларида мактаб ўқувчилари фахрли ўринларни қўлга киритмоқдалар.

— Иқтисод кундалик ҳаёт билан чамбарчас боғланган фан. У билан ҳар қадамда тўқнаш келамиз. Шундай экан, фаннинг моҳиятини ўқувчиларга теранроқ сингдириш лозим. Ўқув хонасида турфа феъл-атворли болалар бор. Уларнинг қизиқишлари ҳам турлича. Педагог уларнинг ҳеч бирини назаридан қочирмаслиги керак. Шундагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин, — дейди Нодира Маҳамедова.

*Суратда: Н.Маҳамедова 8-синф ўқувчиларига "Танлов ва унинг муқобил қиймати" мавзусида дарс ўтмоқда.*

**Бурхон РИЗОҚУЛОВ**
**олган сурат.**

тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани олинган ҳужжатларни, шунингдек жиноят ишини қўзғатиш рад қилинган ёки тугатилган жиноят иши материалларини илова қилган ҳолда уч суткадан кечиктирмай судга юборади.

**30-модда. Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосноманинг суд томонидан кўриб чиқилиши**

Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия уни тақдим этган пайтдан эътиборан 24 соат ичида вояга етмаганнинг яшаш жойидаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судьяси томонидан ёпиқ суд мажлисида якка тартибда кўриб чиқилади.

Ўзига нисбатан ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома кўриб чиқилаётган вояга етмаган, унинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар, прокурор, васийлик ва ҳомийлик органининг, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг вакиллари суд мажлисида иштирок этиши шарт. Илтимосномани кўриб чиқишда ички ишлар органининг вакили ва адвокат иштирок этиши мумкин.

Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия вакилининг вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш зарурлигини асослаб берадиган маърузасидан бошланади. Сўнгра прокурор, ўзига нисбатан илтимоснома кўриб чиқилаётган вояга етмаган, адвокат, агар у суд мажлисида иштирок этаётган бўлса, судда ҳозир бўлган бошқа шахслар эшитилади, тақдим этилган материаллар ўрганилади.

Ажрим судья томонидан алоҳида хонада чиқарилади.

Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, судья қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

илтимосномани қаноатлантириш ва вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига мазкур мажбурлов чорасини қўллаш муддатини кўрсатган ҳолда жойлаштириш тўғрисида;

вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштирмай туриб тузалиши мумкинлигини тасдиқловчи ҳолатлар ёки уни мазкур муассасага жойлаштиришга тўсқинлик қиладиган сабаблар судья томонидан аниқланган ҳолларда, илтимосномани қаноатлантиришсиз қолдириш ва материалларни вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга вояга етмаганга нисбатан бошқа таъсир чораларини қўллаш учун юбориш тўғрисида.

Судьянинг вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантириш ёки қаноатлантиришсиз қолдириш тўғрисидаги ажрими у ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга киради ва дарҳол ижро этилиши лозим.

Судьянинг вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома бўйича чиқарган ажрими дарҳол мазкур ажримни ижро этишни таъминловчи органлар ва муассасаларга юборилади, вояга етмаганга, унинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга, васийлик ва ҳомийлик органига, адвокатга, агар у суд мажлисида иштирок этган бўлса, маълумот учун юборилади.



**ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар** — вояга етмаганнинг мунтазам равишда спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишида, фоҳишалик, тиланчилик билан шуғулланишида ифодаланадиган хатти-ҳаракатлари, шунингдек ўзга фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузадиган бошқа хатти-ҳаракатлари.

**4-модда. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий вазифалари**

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

вояга етмаганлар назоратсизлиги, қаровсизлиги, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, уларга имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик хулқ-атворини шакллантириш;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилаларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш;

вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир қилишга жалб этиш ҳолларини аниқлаш ва уларга барҳам бериш.

**5-модда. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий принциплари**

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;

инсонпарварлик;

тизимлилик;

оилани қўллаб-қувватлаш ва у билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларнинг тарбиясига якка тартибда ёндашиш.

**6-модда. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятни ахборот билан таъминлаш**

Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек фуқаролар:

прокуратура органларини — вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида;

вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларни — вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида,



қўлламасдан туриб тузатиш мумкин деб эътироф этилган ҳолларда жиноий жавобгарликдан озод қилинганлар;

ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаганлар ёхуд руҳий касаллик билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолиши оқибатида содир этган қилмишининг аҳамиятини тўла равишда англаб етишга қодир бўлмаганлар;

жиноят содир этганликда айбланиб, қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси қўлланганлар;

мажбурлов чоралари қўлланган ҳолда жиноий жазодан озод қилинганлар;

жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинганлар, шахс ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлиги сабабли ёки айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан ёхуд амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилинганлар;

ҳукмнинг ижроси кечиктирилганлар;

шартли ҳукм қилинганлар, ахлоқ тузатиш ишларига ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа жазо турларига ҳукм қилинганлар;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганлар ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келганлар;

руҳий касаллик туфайли соғлиқни сақлаш муассасаларида ҳисобда турганлар ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлганлар.

Якка тартибдаги профилактика иши ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилаларга нисбатан ҳам олиб борилади.

**21-модда. Якка тартибдаги профилактика ишини олиб бориш асослари**

Якка тартибдаги профилактика ишини олиб бориш учун ушбу Қонуннинг 20-моддасида назарда тутилган ҳолатлар, агар улар қуйидаги ҳужжатларда қайд этилган бўлса, асос бўлади:

вояга етмаганнинг ёхуд унинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар ваколатига кирадиган масалалар юзасидан ўзига ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги аризасида;

суднинг ҳукми ёки ажримида;

вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг ёки ички ишлар органи бошлиғининг қарорида;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи муассасаларга вояга етмаганларни жойлаштириш учун зарур бўлган ҳужжатларда;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи орган ёки муассаса раҳбари шикоятлар, аризалар ёки бошқа хабарларни текшириш натижалари бўйича тасдиқлаган хулосада.

**22-модда. Якка тартибдаги профилактика ишини олиб бориш муддатлари**

Якка тартибдаги профилактика иши ижтимоий ва бошқа ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган муддатларда, вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва қаровсизлигига, ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига



Ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига қуйидаги вояга етмаганлар жойлаштирилиши мумкин:

назоратсиз ёки қаровсиз қолганлар;

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларини, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун таълим муассасаларини ёхуд бошқа болалар муассасаларини ўзбошимчалик билан тарк этганлар;

ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ўн олти ёшгача бўлганлар;

ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган ёхуд руҳий касаллик билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолиши оқибатида содир этган қилмишининг аҳамиятини тўла равишда англаб етишга қодир бўлмаганлар, агар вояга етмаганларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни таъминлаш ёки улар томонидан такроран ижтимоий хавфли қилмишлар содир этилишининг олдини олиш зарур бўлса, шунингдек уларнинг шахси аниқланмаган ёхуд уларнинг аниқ яшаш жойи бўлмаса ёки ўзлари ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшамаётган бўлса;

маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган ҳуқуқбузарликларни содир этганлар, агар уларнинг шахси аниқланмаган бўлса ёхуд уларнинг аниқ яшаш жойи бўлмаса ёки ўзлари ҳуқуқбузарликлар содир этган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшамаётган бўлса;

ўзининг ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштирилиши тўғрисидаги масаланинг суд томонидан кўриб чиқилишини вақтинча кутиб турганлар;

суднинг ажримига кўра ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига юборилаётганлар.

Вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш учун суднинг ажрими асос бўлади.

Вояга етмаган ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига ички ишлар органи ёки ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази бошлиғининг ёхуд унинг ўринбосарининг қарори асосида жойлаштирилиши мумкин. Бу ҳолда вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома ва уни мазкур марказга жойлаштириш заруратини тасдиқловчи материаллар вояга етмаган марказга жойлаштирилганидан кейин 48 соатдан кечиктирмасдан судга юборилади.

Ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази бошлиғи ёки унинг ўринбосари вояга етмаганнинг ушбу марказга жойлаштирилганлиги тўғрисида мазкур марказ жойлашган ердаги прокурорни ва вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияни зудлик билан, лекин 24 соатдан кечиктирмасдан хабардор қилади.

Вояга етмаганлар ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида уларни жойлаштириш учун зарур бўлган энг кам вақт давомида, лекин кўпи билан ўттиз кун бўлиши мумкин. Алоҳида ҳолларда бу муддат суднинг ажрими асосида ўн беш кунгача узайтирилиши мумкин.

Ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида вояга етмаганнинг бўлиши муддатига қуйидагилар кирмайди:

ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида соғлиқни сақлашни бошқариш органи томонидан эълон қилинган карантин даври;

вояга етмаганнинг соғлиқни сақлаш муассасасининг ҳужжати билан тасдиқланган ва уни оилага қайтаришга ёки тегишли муассасага юборишга тўсқинлик қилаётган касаллиги даври;

шунингдек вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида;

васийлик ва ҳомийлик органларини — етим болалар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ёхуд ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғдирадиган ёхуд таъминлаш, тарбиялаш ва таълим бериш талабларига жавоб бермайдиган шароитда бўлган болалар тўғрисида;

меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларини — ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган ҳамда давлатнинг ижтимоий ёрдамига муҳтож бўлган вояга етмаганлар ва оилалар аниқланганлиги тўғрисида;

ички ишлар органларини — ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилалар, ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этган вояга етмаганлар тўғрисида, шунингдек вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этишга жалб қилаётган ёхуд уларга нисбатан бошқа ғайриҳуқуқий қилмишлар содир этаётган ота-оналар ва ўзга шахслар ҳақида;

соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасаларини — мунтазам равишда спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-идрока фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилиши оқибатида тиббий текширувга, кузатувга ёки даволанишга муҳтож бўлган вояга етмаганлар тўғрисида;

таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасаларини — ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларини ёки бошқа болалар муассасаларини ўзбошимчалик билан тарк этган ёхуд таълим муассасаларидаги машғулотларга узрли сабабларсиз келмаётган ёки мунтазам равишда қатнашмаётган ҳамда давлатнинг ижтимоий ёрдамига муҳтож бўлган вояга етмаганлар тўғрисида зудлик билан хабардор қилади.

**7-модда. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг иштироки**

Ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар болаларини таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажара бориб, уларнинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза қилинишини, назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикасини таъминлаш мақсадида:

таълим муассасаларида ўқиётган вояга етмаганларнинг ўқиш вақтида ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналарда ёхуд бошқа кўнгилочар (дам олиш) жойларда бўлишига йўл қўймаслик, бундан мазкур муассасаларда таълим фаолияти ёки таълим муассасаси томонидан ўтказиладиган тадбир доирасида бўлиши мустасно;

вояга етмаганларнинг спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-идрока фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишига, чекишига йўл қўймаслик;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради.

Ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар вояга етмаганларнинг ресторан-



ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома билан судга мурожаат қилиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, ички ишлар органлари бу ҳақда зудлик билан хабардор қилинади.

Ички ишлар органлари вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани судга юбориш учун зарур бўлган материалларни ўн кун ичида вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия учун тайёрлаши шарт.

Ички ишлар органлари тегишли давлат органларига ва бошқа ташкилотларга зарур ҳужжатларни тақдим этиш тўғрисида сўровлар юборади. Сўровлар олинган кундан эътиборан беш кун ичида бажарилиши керак.

Соғлиқни сақлаш муассасалари вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш мумкинлигини аниқлаш учун уни тиббий текширувдан ўтказади.

Тиббий текширув вақтида вояга етмаганда унинг ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасида сақланиши, тарбияланиши ва таълим олишига тўсқинлик қиладиган касалликлар аниқланган тақдирда, унга тааллуқли материаллар бошқа таъсир чораларини қўллаш учун вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга топширилади.

Ўзига нисбатан ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш ҳақидаги материаллар тайёрланаётган вояга етмаган ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштирилиши ёхуд ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг назоратига топширилиши мумкин бўлиб, улар вояга етмаганнинг муносиб хулқ-атворда бўлишини ва суднинг чақирувига биноан келишини таъминлаши шарт. Судга келишдан бўйин товлаётган ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар, шунингдек ўн олти ёшга тўлган вояга етмаганлар мажбурий келтирилиши мумкин.

Вояга етмаганлар, агар жиноят ишини қўзғатиш рад қилинган ёки жиноят иши тугатилган ёхуд жиноий жазодан озод қилинган пайтдан эътиборан бир йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштирилмайди.

**29-модда. Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани судга юбориш**

Ички ишлар органи бошлиғи ёки унинг ўринбосари вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш мумкинлиги ҳақидаги масалани кўриб чиқиш учун вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга қуйидаги ҳужжатларни юборади:

вояга етмаганнинг ўқиш (иш) жойидан маълумотнома ва тавсифнома;

вояга етмаганнинг оилавий-маиший турмуш шароитларини текшириш далолатномаси;

ички ишлар органининг вояга етмаган томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар ҳамда шу сабабли кўрилган таъсир чоралари ҳақидаги ахборотни ўз ичига олган маълумотномаси;

соғлиқни сақлаш муассасасининг вояга етмаганнинг соғлиғи ҳолати ҳамда уни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш мумкинлиги ҳақидаги хулосаси.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатларни олгач, вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-



суднинг илтимосномани қаноатлантириш ва вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги ажрими устидан берилган шикоятнинг (протестнинг) кўриб чиқилиш вақти.

Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

**13-модда. Таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари**

Таълимни бошқариш органлари ўз ваколатлари доирасида:

вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик хулқ-атворини шакллантиришга, уларга ахлоқ ва соғлом турмуш тарзи асосларини сингдиришга йўналтирилган дастурлар ҳамда услубларни ишлаб чиқади ва таълим муассасаларининг иш амалиётига жорий этади;

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларининг, шунингдек вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш вазифаларини амалга ошираётган бошқа муассасаларнинг фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни амалга оширади;

таълим муассасаларидаги машғулотларга узрли сабабларсиз келмаётган ёхуд мунтазам равишда қатнашмаётган вояга етмаганларни аниқлайди ҳамда уларнинг ҳисобини юритади, уларнинг умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим олишига доир чора-тадбирларни кўради;

вояга етмаганларга ўз ҳаёт йўлини ва касб-ҳунар танлашида уларнинг қобилияти, қизиқиши, мойиллиги ҳамда соғлиғининг ҳолатига мувофиқ психологик ёрдам кўрсатади;

ривожланишида ёки хулқ-атворида нуқсони бўлган вояга етмаганларни аниқлайдиган, уларни комплекс текширувдан ўтказадиган ҳамда уларнинг келгусидаги таълимоти, тарбияси ва таълими шаклларини белгилаш бўйича тавсиялар тайёрлайдиган психологик-тиббий-педагогик комиссиялар тузади;

якка тартибдаги профилактика ишини олиб боришда иштирок этади;

таълим муассасаларида оммабоп спорт секциялари, техник ва бошқа тўгараклар, клублар ташкил этилишини ҳамда вояга етмаганларни уларда қатнашишга жалб этишни таъминлайди, вояга етмаганлар бандлиги ва дам олишини ташкил этишда қатнашади.

Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ҳамда бошқа таълим муассасалари ўз ваколатлари доирасида:

ривожланишида ёки хулқ-атворида нуқсони ёхуд ўқишида муаммолари бўлган вояга етмаганларга ижтимоий-психологик ҳамда педагогик ёрдам кўрсатади;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган, шунингдек таълим муассасаларидаги машғулотларга узрли сабабларсиз келмаётган ёхуд мунтазам равишда қатнашмаётган вояга етмаганларни аниқлайди, уларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим беришга доир чора-тадбирларни кўради;

таълим муассасаларида оммабоп спорт секциялари, техник ва бошқа тўгараклар, клублар ташкил қилади ҳамда вояга етмаганларни уларда қатнашишга жалб этади;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилаларни аниқлайди ҳамда ушбу оилаларга ўз болаларини таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасида ёрдам кўрсатади;



вояга етмаганларни ўқитишни, уларнинг бандлиги ва дам олишини ташкил этишда иштирок этади;

вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик хулқ-атворини ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда шакллантириш бўйича фаолиятни амалга оширади.

Маданият ва спорт муассасалари, туризм соҳасидаги ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**19-модда. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг иштироки**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ўз ваколатлари доирасида:

вояга етмаганларнинг маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, жисмоний, меҳнат тарбиясида иштирок этади, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга кўмаклашади;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларга ва оилаларга ёрдам кўрсатади;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаганларнинг ижтимоий-педагогик реабилитация қилиниши ва мослашувига кўмаклашади;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**3-боб. Якка тартибдаги профилактика ишини ташкил этиш**

**20-модда. Ўзига нисбатан якка тартибдаги профилактика иши олиб бориладиган шахсларнинг тоифалари**

Якка тартибдаги профилактика иши қуйидаги вояга етмаганларга нисбатан олиб борилади:

назоратсиз ёки қаровсиз қолганлар;

ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этганлар;

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида ёки ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларида сақланаётганлар;

таълим муассасаларидаги машғулотларга узрли сабабларсиз келмаётган ёки мунтазам равишда қатнашмаётганлар;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганлар;

амнистия акти асосида ёки қилмиш ёхуд шахс ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлиги сабабли ёки айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги ёхуд ярашилганлиги муносабати билан, шунингдек вояга етмаганни жазо

Ma'rifat
2010-yil 6-oktabr

вояга етмаганлар, педагогик жамоалар ва жамоатчилик ўртасида ҳуқуқий тарғиботни олиб боради;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларда вояга етмаганларни сақлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш шароитларини назорат қилади;

вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома билан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа масалалар бўйича судга мурожаат қилади;

таълим муассасаларининг вояга етмаганларни мазкур муассасалардан чиқариш тўғрисидаги илтимосномаларини кўриб чиқади;

вояга етмаганларнинг, уларнинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг, шунингдек бошқа шахсларнинг вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқади;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаганларга ишга жойлашиш ва турмушини йўлга қўйишда ёрдам кўрсатади, давлатнинг ижтимоий ёрдамига муҳтож бўлган вояга етмаганларни жойлаштириш шаклларини белгилашда кўмаклашади;

ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этган вояга етмаганларни қайта тарбиялашда ота-онага ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга ёрдам бериш учун зарур тайёргарликка, ҳаётий тажрибага ёки болалар билан ишлаш тажрибасига эга бўлган фуқароларни уларнинг розилиги билан жалб қилади;

ўз мажлисларига мансабдор шахслар, мутахассислар ва бошқа шахсларни кўрилаётган масалалар юзасидан ахборот ҳамда тушунтиришлар олиш учун таклиф қилади;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишини бартараф этиш, тарбия-профилактика фаолиятини яхшилаш мақсадида давлат органлари ва бошқа ташкилотларга тақдимномалар киритади;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳоллари тўғрисида прокуратура органларига хабарлар юборади;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахслари вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг қарорларини бажармаган, шунингдек вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишини бартараф этишга доир тақдимномаларида кўрсатилган чораларни кўрмаган ҳолларда, уларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотларга таклифлар киритади;

вояга етмаганлар, уларнинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга нисбатан таъсир чораларини белгиланган тартибда қўллайди.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.



Вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома ва уни мазкур марказга жойлаштириш зарурлигини тасдиқловчи материаллар вояга етмаган топилган жойдаги ёхуд ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази жойлашган ердаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига ички ишлар органи бошлиғи ёки унинг ўринбосари томонидан юборилади.

**26-модда. Вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосноманинг суд томонидан кўриб чиқилиши**

Вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома ички ишлар органи уни тақдим этган пайтдан эътиборан 24 соат ичида жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судьяси томонидан ёпиқ суд мажлисида якка тартибда кўриб чиқилади.

Ўзига нисбатан ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома кўриб чиқилаётган вояга етмаган, прокурор, васийлик ва ҳомийлик органининг, ички ишлар органининг вакиллари суд мажлисида иштирок этиши шарт. Илтимосномани кўриб чиқишда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг вакили ва адвокат иштирок этиши мумкин.

Вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш ички ишлар органи вакилининг вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш зарурлигини асослаб берадиган маърузасидан бошланади. Сўнгра прокурор, ўзига нисбатан илтимоснома кўриб чиқилаётган вояга етмаган, адвокат, агар у суд мажлисида иштирок этаётган бўлса, судда ҳозир бўлган бошқа шахслар эшитилади, тақдим этилган материаллар ўрганилади.

Ажрим судья томонидан алоҳида хонада чиқарилади.

Вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, судья қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

илтимосномани қаноатлантириш ва вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисида;

илтимосномани қаноатлантиришсиз қолдириш тўғрисида.

Судьянинг вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантириш ёки қаноатлантиришсиз қолдириш тўғрисидаги ажрими у ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга киради ва дарҳол ижро этилиши лозим.

Судьянинг вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома бўйича чиқарган ажрими дарҳол ички ишлар органига ижро этиш учун, вояга етмаганга, унинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга, васийлик ва ҳомийлик органига, адвокатга, агар у суд мажлисида иштирок этган бўлса, маълумот учун юборилади.

Судьянинг вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома бўйича чиқарган ажрими устидан судья мазкур ажримни чиқарган кундан эътиборан ўн кун ичида жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий судига, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судига вояга етмаган, унинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи



ушбу модда иккинчи қисмининг иккинчи, учинчи ва бешинчи хатбошиларида кўрсатилган вояга етмаганларга нисбатан ушбу Қонунга мувофиқ чиқарилган суд ажрими;

ушбу модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошисида кўрсатилган вояга етмаганларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ чиқарилган суд ажрими.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига ушбу муассасаларда сақлаш, тарбиялаш ва таълим беришга тўсқинлик қиладиган касаллиги бўлган вояга етмаганлар жойлаштирилиши мумкин эмас.

Вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида сақлаш, тарбиялаш ва уларга таълим беришга тўсқинлик қиладиган касалликлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ўз ваколатлари доирасида:

вояга етмаганларни ўқитишни, уларнинг касб-ҳунар тайёргарлигини ва ижтимоий-педагогик реабилитациясини амалга оширади;

вояга етмаганларни сақлашнинг мазкур муассасалар ҳудудини қўриқлашни, вояга етмаганларнинг шахсий хавфсизлигини ва салбий таъсирлардан ҳимояланганлигини, ушбу муассасалар ҳудудига бегона шахсларнинг эркин киришини, бу муассасаларда сақланаётган вояга етмаганларнинг эркин чиқишини чеклашни ўз ичига олган махсус шарт-шароитларини таъминлайди;

вояга етмаганларнинг мазкур муассасаларни ўзбошимчалик билан тарк этиши ҳолатлари тўғрисида ушбу муассасалар жойлашган ердаги ва вояга етмаганларнинг яшаш жойидаги ёки турган жойидаги ички ишлар органларини хабардор қилади ҳамда ички ишлар органлари билан биргаликда уларни топиш ва мазкур муассасаларга қайтаришга доир чора-тадбирларни кўради;

вояга етмаганларнинг яшаш жойидаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга вояга етмаганларнинг ушбу муассасалардан чиқарилаётганлиги тўғрисидаги хабарномаларни, шунингдек вояга етмаганларга оид тавсифномаларни уларни чиқаришдан камида бир ой олдин юборади.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари мазкур муассасалар жойлашган ердаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга қуйидаги масалалар юзасидан тақдимномалар киритади:

вояга етмаганларни бошқа ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига ўтказиш;

вояга етмаганларнинг мазкур муассасаларда бўлишини суд томонидан белгиланган муддат ўтишидан олдин, агар улар хулқ-атвори тузалганлиги сабабли ушбу таъсир чорасини қўллашни давом эттиришга муҳтож бўлмаса ёки соғлиғи ҳолатига кўра бу муассасаларда бўла олмаса, тугатиш;

вояга етмаганларни ўқитишни тамомлаш зарур бўлган тақдирда, уларнинг ушбу муассасаларда бўлиш муддатини узайтириш.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тўғрисидаги низомлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

**15-модда. Васийлик ва ҳомийлик органлари**

Васийлик ва ҳомийлик органлари ўз ваколатлари доирасида:

етим болаларни, ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлайди ва уларнинг ҳисобини юритади ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганликнинг



аниқ ҳолатларидан келиб чиқиб, болаларни жойлаштириш шаклларини танлайди, шунингдек уларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш шароитлари устидан назоратни амалга оширади;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда вояга етмаганларга нисбатан васийлик ва ҳомийликни белгилашга доир чора-тадбирларни кўради;

ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганнинг ўз иш ҳақи, стипендияси ёки бошқа даромадларини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқини чеклаб қўйиш ёки уни бу ҳуқуқдан маҳрум қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан судга мурожаат қилади, бундан вояга етмаганнинг белгиланган тартибда тўла ҳажмда муомала лаёқатини олиши ҳоллари мустасно;

якка тартибдаги профилактика ишини олиб боришда иштирок этади;

ота-оналик ҳуқуқини чеклаш ёки ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида даъволар қўзғатади;

ота-оналик ҳуқуқини чеклаш ёки ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги, шунингдек ота-оналик ҳуқуқини тиклаш ҳақидаги ишларни судларда кўриб чиқишда иштирок этади.

Васийлик ва ҳомийлик органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**16-модда. Соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари**

Соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари ўз ваколатлари доирасида:

вояга етмаганлар, уларнинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар ўртасида санитария-гигиена билимларини кенг ёйишни, шунингдек соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишни ташкил этади;

вояга етмаганлар ўртасида алкоголизм, чекиш, гиёҳвандлик ва заҳарвандлик ҳамда уларнинг хулқ-атворидаги шу билан боғлиқ нуқсонларнинг профилактикаси бўйича тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини таъминлайди;

вояга етмаганлар ўртасида алкоголизм, чекиш, гиёҳвандлик ва заҳарвандликнинг тарқалиши тўғрисида вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларни хабардор қилади;

уч ёшгача бўлган адашиб қолган, ташлаб кетилган ва ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа болаларни кеча-кундуз қабул қилиш ҳамда парваришлашни амалга оширади;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасаларга, шунингдек вояга етмаганларнинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга маслаҳат ёрдамини кўрсатади;

алкоголь таъсирида маст ҳолатда бўлган ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида бўлган вояга етмаганларни кеча-кундуз қабул қилишни амалга оширади ва уларга тиббий ёрдам кўрсатади;

ривожланишида ёки хулқ-атворида нуқсони бўлган вояга етмаганларга ихтисослаштирилган ташхис ҳамда даволаш-тиклаш ёрдамини кўрсатади;

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига юборилаётган вояга етмаганларнинг соғлиғи тўғрисида белгиланган тартибда хулосалар тайёрлайди;

# ЯНГИ САЙЁРА КАШФ ЭТИЛДИ

«Астрофизикал Жоурнал» нашрида хабар берилишича, Калифорния университети профессори Стивен Вогтом ва Карнеги институтининг илмий ходими Пол Батлер томонидан 2та экзосайёра аниқланди. Эътиборлиси, уларнинг биттасида ҳаёт учун зарур шарт-шароитлар бор эканлиги таъкидланмоқда. Самовий жисмлар Ер сайёрасидан 20 ёруғлик йилига тенг масофада жойлашган бўлиб, Gliese 581 юлдузлар туркумига киради.

Таъкидлаш зарурки, бундан 12 йил олдин ҳам олимлар айнан шу юлдузлар тизимида 4та экзосайёрани аниқлашга муваффақ бўлганди. Олимларнинг изоҳ беришича, экзосайёрага Қуёш тизимидан ташқарида бўлган, ҳаёт учун табиий шароитга эга самовий жисмлар киритилади.



Салкам 11 йил давомидаги кузатувлар натижасида аниқланган янги сайёраларга Gliese 581c ва Gliese 581g номлари берилди. Дастлаб мутахассислар Gliese 581c сайёрасида ҳаёт кечириш мумкин, деган фикрни илгари суришган. Лекин кейинги изланишлар натижасида самовий жисмга юлдуз жуда яқин жойлашгани туфайли унинг юзаси ҳарорати ўта баланд экани аниқланди.

Астрономларнинг таъкидлашича, Gliese 581g сайёраси эса кўп жиҳатдан Ерга ўхшаш. Маълумотларга қараганда, унинг диаметри сайёрамизникидан 20-40 фоизга катта, гравитацияси (Ернинг тортишиш кучига нисбатан) эса бироз кучлироқ экан. Сайёра ҳаракатланаётган орбита кузатилгач, самовий жисмда ҳаёт учун зарур сув ва атмосфера бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги фикр илгари сурилди. Мазкур қараш қанчалик тўғри эканини навбатдаги тадқиқотлар кўрсатади.




# МУҲИМ ТУЗАТИШ

Шу кунга қадар археолог ва биолог олимлар томонидан белгиланган динозаврларнинг катталиги кўрсаткичлари у даражада ҳам аниқ эмас экани маълум бўлди. Аниқланишича, қадимий судралиб юрувчиларнинг баъзилари тахмин қилинганидан ҳам 10 фоизга баланд бўлган, деб ёзади «ПЛоС Ван» журнали.

Одатда олимлар динозаврларнинг ташқи кўриниши қандай бўлгани тўғрисидаги тушунчани ҳосил қилиш учун уларнинг суяк қолдиқларидан фойдаланади. Аммо жараёнда кўпинча бўғимлар орасида жойлашган тоғай тўқималари эътибордан четда қолиб кетаверган. Палеонтологик топилмаларда тоғай суяклари сақланиб қолмайди, шу боис ҳам бу турдаги йирик судралиб юрувчи ҳайвонларнинг суяк тузилишини ўрганишда улар эътиборга олинмаган. Натижада, ҳайвонларнинг умумий тана ҳажми ёки баландлиги борасидаги кўрсаткичларда номутаносиблик юзага келган.

Охирги тадқиқот давомида биологлар қатор динозавр суякларини ўрганиб, уларнинг орасида қалин тоғай тўқималари бўлганини аниқлашди. Суяклар тоғай тўқималар ёрдамида бирикканини эса уларнинг



юза қисмида нисбатан кичикроқ бирлаштирувчи суякларнинг йўқлиги кўрсатган.

Тоғай тўқималари қалинлигини белгилаш мақсадида динозаврларнинг замонавий авлодлари ҳисобланган аллигатор (тимсоҳ) ва страуслар суяклар тизими ўрганилган. Якунда эътиборга олинмайдиган тана қисми ҳам қўшиб ҳисобланса, теропод ва зауропод гуруҳидаги динозаврларнинг бўйи аввал белгиланганидан ҳам баланд экани маълум бўлди.

# БИНОЛАР УЧУН БИОМАТЕРИАЛ

Яқин келажакда иншоотларнинг ташқи қисми махсус биоматериал билан қопланиши мумкин экан. Тузилиши ва таркибига кўра инсон терисига ўхшаш мазкур юқори технологик модда Пенсильвания университети олимлари томонидан ишлаб чиқарилиши режалаштирилаётгани «сайнс.км» манбасида эълон қилинди. Шу кунларда мазкур лойиҳа учун 2 миллион доллар миқдорида маблағ ажратилди.



Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, қоплама турли об-ҳаво шароитига мослашиш хусусиятига эга бўлади. Соддароқ қилиб айтганда, бинонинг ташқи қисмидаги материал юқори ёки паст ҳарорат, намлик ва ёруғлик даражасига қараб ишлаши мумкин. Қолаверса, унинг ёрдамида ички коммуникация тизимлари фаолияти ташкил этилиши, хусусан, қўшимча иситиш ва ҳавони ҳайдаш тизимлари ишга туширилиши мумкин.

Махсус қоплама кучли рецептор майдонга эга бўлиб, у орқали материалнинг ташқи муҳит билан таъсирланиши рўй беради. Шунингдек, об-ҳавонинг ўзгаришига мослашиш билан биргаликда қоплама иншоотларни турли зарбалардан ҳимоя қилиши ҳам таъкидланяпти. Бу эса ўз навбатида биноларда таъмирга эҳтиёж нисбатан камроқ кузатилади, дегани-дир.

**Н.РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.**

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти 2011 йил учун аспирантурага ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Аспирантурага 13.00.01-Умумий педагогика ва таълим тарихи йўналишида ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ихтисослиги бўйича камида бир йил амалий иш тажрибасига эга бўлган мутахассислар қабул қилинади. Ёш мутахассислар бевосита олий ўқув юртини битиргандан сўнг олий ўқув юрти тавсиясига биноан аспирантурага кириш учун бўладиган танловга қўйилади.**

**Аспирантурага кириш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:**

1. Ариза.
2. Шахсий варақа ва таржимаи ҳол.
3. Иш жойидан тавсифнома (бошқа ташкилотдан юбориладиган шахслар учун).
4. Чоп этилган илмий ишлар ва ихтиролар рўйхати ҳамда уларнинг нусхалари, илмий тадқиқот ишлари тўғрисидаги ҳисоботлар рўйхати (агар мавжуд бўлса). Илмий ишлари ва ихтиролари бўлмаган шахслар танланган ихтисослиги бўйича 20 бетдан кам бўлмаган илмий маъруза (реферат) тақдим этади. Илмий маърузага соҳа бўйича мутахассис олим тақризи илова қилиниши лозим.
5. Аспирантурага бевосита ОТМни тугатгандан кейин ҳужжат топшираётган шахслар (магистратура талабалари орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиантлари, имтиёзли диплом эгалари, ОТМ Илмий Кенгаши тавсияси мавжуд даъвогарлар) учун ОТМ Илмий Кенгаши мажлисининг баёнидан кўчирма.
6. Олий таълимнинг барча босқичларидан ўтганлигини тасдиқловчи диплом нусхалари.
7. Номзодлик имтиҳонларини топширганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси (агар топширган бўлса).
8. Меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётганлар учун).
9. Тиббий маълумотнома (086-У формада).
10. 4х6 ҳажмдаги 4 дона фотосурат.
11. Паспорт ва ҳарбий билет (агар мавжуд бўлса) шахсан кўрсатилади.

Ҳужжатлар 23 октябргача қабул қилинади.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Зиё кўчаси 6-уй.
Телефон: 246-06-67, 246-93-91, 246-06-54.**

**ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!**

«Chashma print» нашриётида 4-, 5-, 8- ва 9-синфлар «Русский язык» дарсликлари бўйича ўқитувчилар учун методик қўлланмаларнинг намунавий дарслар намойиш этилган электрон вариантлари чиқарилди. Ҳар бир синф учун алоҳида дискка жойлаштирилган материалларга қўлланмаларнинг босма нусхалари ҳам илова қилинади.

**Маълумот учун телефонлар:
245-68-40
245-21-93**

**Жойлашган манзил:
Фурқат кўчаси, 2-уй.**



# ЧАПАҚАЙЛИК СИРИ

*Mutaxassis maslahati*

**Кишилардаги чапақайлик хусусияти ҳанузгача кўпчиликда қизиқиш уйғотиб келаётган мавзулардан биридир.**

**Шифокорлар бир неча асрлар давомида чапақайликни дегенератив белги сифатида талқин қилди. Италиялик олим, психиатр Чезаре Ломброзе (1835-1909) чапақай одамлар жиноят қилишга мойил бўлади, деган қарашни ҳам илгари сурган.**

## «ҚИЛИЧ ВА ХАНЖАР» НАЗАРИЯСИ

Ўтган асрнинг 30 — 40-йилларида энг машҳур невропатолог ва психиатрлар чапақайликка сабаб бўлувчи генетик омилларни ўрганмаган ҳолда, уларни ёппасига ўнг қўлга ўргатиш керак, деган фикрга келди. Болалардаги чапақайлик ўз вақтида тузатилмаса, ёши улғайгач, улар ақлий ривожланишда орқада қолишлари мумкин, деб ҳисобланарди. Бу ўша давр муҳитидан келиб чиққан «Қилич ва ханжар назарияси» орқали изоҳланган. Унга кўра, тарихда тез-тез бўлиб турган жанглар олимлар томонидан ўрганилиб, ҳалок бўлган жангчиларнинг катта қисмини чапақайлар ташкил этганлиги аниқланди. Бунинг сабаби ақлий ёки жисмоний ривожланиш билан асло боғлиқ эмас. Турган гапки, чапақай жангчилар ханжарни чап, қалқонни эса ўнг қўлида ушлаган. Унинг ўнг томони душман ҳужумидан ҳимояланган бўлгани ҳолда, чап томон, яъни юракни қалқон билан тўсиш имкони бўлмаган.

Вақт ўтган сари, тажрибалар мукаммаллашиб, шу нарса аён бўлдики, чапақайлик патологик ёки дегенератив ҳолат эмас.

Инсоннинг ҳамма жуфт (ўпка, буйрак каби) аъзолари функционал симметрияга эга. Бошқача айтганда, жуфт аъзолар бир хил вазифани бажаради. Лекин бош мия паллалари бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда, инсоннинг ҳар хил ҳаракатлари учун масъулдир. Оёқлар ҳам худди шундай. Ана шу тарзда, қўллар ҳам бир вақтнинг ўзида икки хил ишни бажариши мумкин (бир қўлингизда ёзиб, иккинчиси ёрдамида телефонни ушлаб туришингизни эсланг).

## «ЎНГЛАНИШ» ТАРИХИ

Мия паллаларининг асимметрияси туфайли инсон нафақат чапақай бўлиши, балки, унинг юрак, жигар каби аъзолари ҳам бошқа томонда жойлашиб қолиши мумкин. Тиббиёт тилида бу "ситус инверсус" дейилади.

Эмбрионал ривожланишнинг дастлабки босқичларида ички аъзолар ва бош мия фаолияти ҳам шакллана бошлайди. 2007 йили Нобель мукофотига сазовор бўлган бир қатор хорижлик олимлар бир қанча тажриба ва таҳлиллардан сўнг, чапақай болаларни ўнг қўлга ўргатиш уларда невроз, руҳий тушкунлик ва ҳолсизлик каби касалликларни келтириб чиқариши ҳақида хабар беришди.



## ЧАПАҚАЙ МАТЕМАТИКЛАР

АҚШдаги чапақай ва ўнг қўлда ёзадиган ўқувчиларга бир хил масалани ечиш вазифаси топширилган. Чапақайлар уни ечишда бир неча усуллардан фойдаланган. Аниқланишича, чапақайларнинг бош мия паллалари орасидаги боғлиқлик у қадар кучли эмас экан. Уларда маълумотларнинг секин, аммо пухта қабул қилиниши шундан. Бундай хусусият масала ечишда жуда қўл келади. Чапақайлар бирор масала устида узоқ ўйласа ҳам, улардан кўпинча қизиқарли ва ўзига хос фикрлар чиқади. Бунга мисол сифатида Эйнштейнни кўрсатишимиз мумкин. Машҳур олимнинг мактабдаги баҳолари мақтанишга арзигулик бўлмаган, янги ахборотларни ҳам у жуда секин қабул қилган.

Чапақайлар сабр-бардошли, кўникувчан бўлишади. Чунки, улар ҳаётий фаолият давомида кўп ҳолатларга мослашиши, баъзи қийинчиликларни бошдан кечиришига тўғри келади.

Мутахассисларнинг фикрича, чапақай болалар ўқишда ҳам, турли юмушларни бажаришда ҳам ўнг қўлни ишлатишга, машқлар ёрдамида уни кучли қилишга уринадилар. Шунга қарамасдан, соат стрелкасининг йўналишини белгилаш, «чапга», «ўнгга», «пастга», «юқорига» каби буйруқларни бажариш улар учун мушкуллик туғдириши мумкин. Қолаверса, компьютерлар, хона эшиклари, жамоат транспортидан фойдаланиш ҳам чапақайлар учун бироз ноқулайроқ.

Ўнг қўлга ўргатилган чапақайлар, қалам ёки қошиқни ўнг қўлида тутгани билан, тош, теша, болға каби қуроллар ёрдамида бажариладиган ишларни чап қўлда амалга оширишади.

## ЗАРБДОР СПОРТЧИЛАР

Ушбу мулоҳазаларни ўқиб, баъзи ота-оналар бироз хавотирга тушган бўлиши мумкин. Лекин аслида чапақайлик инсоннинг бахтли ва тўлақонли ҳаёт кечиришига умуман халал бермайди. Болани ҳар қандай спорт тўгарагига қийинчиликсиз қабул қилишади. Жаҳон чемпиони унвонига бир неча бор сазовор бўлган Гарри Каспаров пиёда, от ва шоҳ доналарини чап қўлда суриши шахмат ишқибозлари учун сир эмас.

Жаҳон футбол юлдузлари орасида Пеле, Марадона, Мишель Платини, Олег Блохин каби ўйинчилар ҳам чапақай бўлгани маълум. Улар ўз устида ишлаб, икки оёқда ҳам бирдек зарба беришни ўрганиб олишган.

Бокс билан шуғулланувчи чапақайлар кучли рақиб ҳисобланади. Уларнинг ўнг қўли олдинга қаратилган бўлгани ҳолда, чап қўл зарба беришга тайёр туради. Бундай ҳолат рақибни эсанкиратиб қўяди, чалғитади, оқибатда, зарбаларни олдиндан пайқаш имкони бўлмайди. Кичик ва катта теннис, гольф, диск ва найза улоқтириш каби спорт турларида ҳам шунга ўхшаш вазиятларни кузатиш мумкин.

## МАШҲУРЛИККА ИШОРА

Деярли барча миллат вакиллари юқорида айтиб ўтилган баъзи юмушларни ўнг қўлда бажаришга одатланган. Лекин боланинг руҳий азоб чекиши эвазига уни ўнг қўлга ўргатиш шарт эмас. Унинг жамият учун керакли инсон бўлишида имзони қайси қўлда қўйиши у қадар муҳим ўрин тутмайди. Дунёдаги ҳар бешта машҳур инсондан биттаси чапақай. Юлий Цезарь, Бенжамин Франклин, Леонардо да Винчи, Арасту каби қобилиятлари, ижоди ва ақл-заковати билан тарихда ўчмас из қолдирган кўплаб инсонларни гапимизнинг исботи сифатида санаб ўтишимиз мумкин. Ажаб эмаски, чапақай фарзандингиз ана шу машҳур кишилар сингари буюк инсон бўлиб вояга етса.

**Тоҳир ИБРОҲИМОВ,**
**профессор**

# «БУЛОҚЧА»НИНГ МЎЪЖИЗАСИ

**Заҳро Қиличева «Ижодкор ихтирочи болалар» кўрик-танловининг республика босқичида ўзи яратган «Булоқча» қурилмаси билан қатнашиб, «Табиатни муҳофаза қилиш» йўналиши бўйича биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Ўнта қисмдан иборат ушбу қурилманинг уй шароитига мослиги, сувни зарарли моддалардан тозалаб, унинг тиниқлигини таъминлаш, касаллик тарқатувчи бактерияларни йўқотиш каби хусусиятлари ҳайъат аъзолари ва қатнашчиларнинг эътирофига сазовор бўлди...**

— «Ер юзида чучук сувнинг етишмаслиги ёки ифлосланишидан йилига 500 миллиондан ортиқ киши касалланмоқда. Шу муаммо туфайли азият чекаётган мамлакатлардаги кишиларнинг сони сайёрамиз аҳолисининг ярмидан кўпроғини ташкил этади...». Матбуотда ушбу маълумотни ўқирканман, миямга келган ғоядан хурсанд бўлиб кетдим. Бу ғоя узоқ изланишлар, тузатишлар, тажрибалардан сўнг ифлос ичимлик сувини соф ва мусаффо ҳолатга келтирувчи ихчам қурилманинг ихтиросига замин бўлди, — дейди ёш техник. — Ушбу муваффақиятим Нуробод тумани ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт марказидаги ижодий муҳит, бу ердаги истеъдодли ёшларга бўлган эътибор ва рағбат ҳамда устоз-мураббийларнинг ўз касбига фидойилиги натижасидир, деб ўйлайман.

Дарҳақиқат, ушбу туман ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт марказида иқтидорли, интилувчан, илм ва ҳунар ўрганишга иштиёқманд ўғил-қизларнинг ақлий салоҳияти ва билимини янада оширишга, жамият учун фойдали ихтироларни яратишларига барча имкониятлар яратилган. Бунинг натижаси ўлароқ муассаса тарбияланувчилари «Дунё олқишлаган дунё фарзандиман» кўригининг республика босқичида 3 йилдан буён, «Сеҳрли ёғду» танловида эса 12 йилдан буён ғолибликни қўлдан бермай келмоқда. Жумладан, зукко ва тиришқоқ ўқувчилардан бири Заҳро Қиличева 2006 йилда 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб ўтказилган «Ватан фарзандлари — юрт келажаги» кўрик-танловининг республика босқичида биринчи, 2008 йили «Ёшлар камоли — юрт истиқболи» шиори остида ўтказилган танловнинг республика ҳамда 2009 йилги «Сув ва болалар» кўрик-танловининг вилоят босқичида учинчи ўринни эгаллади.

— Бундай ютуқларга эришишимизда марказимизда узоқ йиллардан буён жонкуярлик билан фидокорона меҳнат қилиб келаётган С.Ҳусемардонов, Г.Рўзиева, Ф.Қозоқов, Г.Примова, Н.Исаева, Н.Тоғаев сингари устоз ва мураббийларнинг ҳиссаси катта, — дейди ЎЁТИМ директори Раҳим Умиров. — Уларнинг истиқболли иш тажрибалари вилоят, қолаверса, республика миқёсида оммалаштирилган. Бундан ташқари, ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш ва етарлича таълим олишлари учун «Камолот» ЁИҲ туман кенгаши, «Ватанпарвар» ташкилоти, туман «Маҳалла» жамғармаси ҳамда бир қанча мактаблар билан ҳамкорлик шартномалари имзолаганмиз. Мақсад — ёшларимизни ўз кучи, ақли ва қобилиятига таяниб, эртанги кунга ишонч билан қарай оладиган шахслар этиб тарбиялашдир.

**Шодиёр ЙЎЛДОШЕВ**

# БАРЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР МУҲАЙЁ



Марғилон шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 9-Болалар мусиқа ва санъат мактаби реконструкция қилиниб, замон талаблари даражасида таъмирдан чиқарилди. Санъатнинг тўрт йўналиши бўйича таълим бериладиган ушбу даргоҳда болаларнинг пухта билим олишлари учун барча қулайликлар яратилди.

Айтиш жоизки, бу ерда таълим олаётган иқтидорли ўқувчилар "Келажак овози", "Янги авлод" ҳамда вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган турли кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

***Суратларда: Марғилон шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 9-Болалар мусиқа ва санъат мактаби фаолиятидан лавҳалар акс эттан.***

**М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.**













Ma'rifat

*TA'SIS ETUVCHILAR:*

*O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.*

Bosh muharrir: Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Ulug'bek TOSHKENBOYEV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-922. Tiraji 25556. Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir: Oybuvi OCHILOVA.

*«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi.*

*Ⓜ belgisi ostida reklama materiallari beriladi.*

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.

*«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.*

Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 00.30
ЎзА якуни — 23.30